



رئاسة الشؤون الدينية  
بالمسجد الحرام والمسجد النبوي

# Ҳаж, умра ва бошқа зиёратлар борасида Қуръон ва суннат ҳукмлари

التحقيق والإيضاح لكثير من مسائل الحج والعمرة والزيارة على ضوء الكتاب والسنة

Ўзбек

أوزبكىي



Муаллиф

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз

جـ جمعية خدمة المحتوى الإسلامي باللغات ، ١٤٤٦ هـ

بن باز ، عبدالعزيز  
التحقيق والإيضاح في مسائل الحج والعمرة - أوزبكي . /  
عبدالعزيز بن باز - ط١ . - الرياض ، ١٤٤٦ هـ

٩٥ ص : .. سم

رقم الإيداع: ١٤٤٦/١١٦٧٥  
ردمك: ٢٤-٠٥١٧٠٣-٦٠٣-٩٧٨

# **Ҳаж, умра ва бошқа зиёратлар борасида Қуръон ва суннат ҳукмлари**

Муаллиф

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

## Муқаддима

Яккаю ягона Аллоҳ таолога мақтовлар ва ўзидан кейин пайғамбар бўлмаган Муҳаммад саллоллоҳу алаҳи ва салламга салавот ва саломлар бўлсин!

Аммо баъд:

Кўлингиздаги қўлланма<sup>1</sup>

Аллоҳ таолонинг китоби Куръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари асосида ҳаж, умра ва зиёратларга оид кўп масалаларнинг тадқиқи ва изоҳини ўз ичига жамлаган қисқача китобдир. Ушбу масалаларни аввало ўзим учун сўнгра фойдаланишни хоҳлаган мусулмонлар учун жамладим. Китобдаги масалаларни далиллар асосида ёздим.

Энг биринчи нашр 1363-ҳижрий йил подшоҳ Абдулазиз ибн Абдураҳмон Ал-Файсол ҳомийлиги

---

<sup>1</sup> 1-нашр 1417 ҳижрий йил муаллиф раҳимаҳуллоҳга тақдим қилинди ва бир неча мажлисда ўнглаб чиқдилар. Охирги мажлис: 12/12/1418 ҳижрий йилга тўғри келди.

остида чоп этилди. Аллоҳ у зотнинг руҳини шод қиласин ва қабрини нурга тўлдирсин.

Сўнгра мен китобдаги баъзи масалаларни соддалаштиридим. Таҳқиқ (аниқлаш) қилишга муҳтоҷ бўлган ўринларга қўшимчалар киритдим. Сўнгра мусулмонлар бу қўлланмадан фойда олишлари учун яна бир бор нашр қилишга қарор қилдим ва уни: «Ҳаж, умра ва бошқа зиёратлар борасида Қуръон ва суннат ҳукмлари», деб номладим. Сўнгра фойдаси кўпроқ бўлиши учун унга муҳим қўшимчалар ҳамда фойдали танбеҳларни қўшдим ва бир неча марта нашр қилинди.

Аллоҳ таолодан бу китобнинг манфаатини умумий қилишини, меҳнатларимизни ёлғиз У Зотнинг юзи учун қилишни ҳамда Унинг хузурида ютуққа эришиб наъим жаннатларига олиб киришини сўрайман. У Зотнинг Ўзи бизга кифоя ва У қанчалик ҳам яхши вакил. Улуғ ва Олий Аллоҳдан ўзга бирор кимсада на куч ва на бир нарсани ўзгартиришга ҳол йўқдир.

Муаллиф

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз

Саудия Араб мамлакатининг муфтийси,  
уламолар кенгashi раиси ҳамда илмий изланишлар  
ва фатво идорасининг раҳбари.

## Китоб хутбаси

Оlamларнинг Рабби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Оқибат тақводорлар учундир. Аллоҳнинг бандаси ва пайғамбари Муҳаммадга ва у кишининг аҳли оилалари ва барча асҳобларига салавот ва саломлар бўлсин!

Аммо баъд:

Бу ҳаж ва унинг фазли, ундаги одоблар ва ҳаж учун сафар қилмоқчи бўлганлар нималар қилиши кераклиги ҳақида қисқача қўлланма. Шу билан бирга ҳаж, умра ва зиёратга оид кўп масалаларнинг қисқача баёнини ҳам ўз ичига олган. Дарҳақиқат, мен бу китобда Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари далолат қилган масалаларни мусулмонларга насиҳат ва Аллоҳ таолонинг:

{وَذَكِّرْ فَإِنَّ الذِّكْرَى تَتَقَعَّدُ الْمُؤْمِنِينَ}

**«Ва эслатинг! Албаттa, эслатиш мўминларга манфаат берур».<sup>2</sup>**

---

<sup>2</sup> Зарият сураси 55-оят

{وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ لِتُبَيَّنَ لِلنَّاسِ وَلَا تَكُمُونَهُ}

«Аллоҳ китоб берилгандардан, албатта, уни одамларга баён қиласиз ва беркитмайсиз, деб аҳд олганини эсланг».

{وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالتَّقْوَى}

«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг», деган оятларига амал қилган ҳолда жамладим.<sup>3</sup>

Шу билан бирга Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган саҳиҳ ҳадисда: «Дин насиҳатдир», – деб уч марта айтдилар. «Ким учун», – дейилди. «Аллоҳга, китобига, расулига, мусулмонлар имомлари ва оммаларига», – дедилар.<sup>4</sup>

Тобароний Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонларнинг ишларига эътибор бермаган киши улардан эмас. Аллоҳ, китоби, расули, мусулмонлар имомлари ва оммаларига насиҳатчи бўлган ҳолда тонг

---

<sup>3</sup> Оли Имрон сураси 187-оят ва Мойда сураси 2-оят

<sup>4</sup> Имом Аҳмад Тамим Ад-Дорий ҳадиси билан «Шомликлар муснади» китобида 16499-рақамда ривоят қилганлар ва Имом Муслим «Иймон» китобида 55-рақам билан «Дин насиҳатдир» бобида ривоят қилган.

оттириб кеч киргизмаганлар улардан эмас», – деганлар.

5

Аллоҳдан бу қўлланмани ўзим ва мусулмонлар учун манфаатли қилишини ва Унинг йўлидаги меҳнатларимизни Ўзининг юзи учун қилишимизни ҳамда Унинг ҳузурида ютуққа эришиб наъим жаннатларига киритишини сўраймиз. У Зотнинг Ўзи эшитувчи, дуоларни ижобат қилувчидир. Унинг Ўзи бизга кифоя ва У қанчалик ҳам яхши вакил.

---

<sup>5</sup> Тобарони Соғийрда 905-рақам билан ривоят қилган. "Жомиъ ул аҳаадис" ва "Маросил" китобининг мим билан нун бобида 23274-рақам билан ривоят қилган.

## Боб

### Ҳаж ва умранинг вожиблиги ҳамда уни адо этишга шошилиш ҳақидаги далиллар

Аллоҳ менга ва сизларга ҳақни билиб унга эргашишга тавфиқ берсин! Билингки, Аллоҳ таоло бандаларига ҳажни фарз ва Ислом динининг арконларидан бири қилди.

Аллоҳ таоло айтади:

{وَلَلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنْ أَسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ عَنِّي عَنِ الْعَالَمِينَ}

«Ва йўлга қодир бўлган кишилар Аллоҳ учун байтни ҳаж қилиши бурчдир. Кимки куфр келтирса, Аллоҳ бутун оламлардан беҳожатдир».<sup>6</sup>

Саҳиҳайнда Ибн Умар разияллоҳу анхумо ривоят қиласидилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислом беш устун устига қурилган, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам У Зотнинг элчиси деб гувоҳлик бериш, намозни тўкис адо қилиш, закотни бериш,

---

<sup>6</sup> Оли Имрон сураси 97-оят.

рамазон рўзасини тутиш ва Аллоҳнинг уйига ҳаж қилиб бориш», – деганлар.<sup>7</sup>

Сайд ўзларининг Сунанларида Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу шундай деганларини ривоят қилганлар: «*Мана шу шаҳарларга шундай кишиларни юборсам, кимдаки, бувиси<sup>8</sup> бўла туриб ҳаж қилмаган бўлса ўша кишиларга жизя тўлатса. Улар мусулмон эмаслар, улар мусулмон эмаслар.*»

Али разияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда у киши айтадилар: «*Ким ҳажга қодир бўлса-ю тарк қилса, яхудий ёки насроний бўлиб ўлаверсин.*»

Иbn Аббос разияллоҳу анҳумо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисга кўра, ким ҳаж қилмаган бўлса ва бажаришга кучи етса ҳажга шошилиши лозим: «*Ҳажга шошилинглар! Албатта сизлардан ҳеч бирингиз нимага дучор бўлишини билмайди.*»<sup>9</sup> (Аҳмад ривояти)

---

<sup>7</sup> Имом Бухорий «Иймон» китобининг «Ислом беш (руқн) устига курилган» бобида 8-ракам билан ривоят қилган. Имом Муслим ҳам «Иймон» китобининг «Ислом арконларининг ва улуғ асосларининг баёни» бобида 16-ракам билан ривоят қилган.

<sup>8</sup> Яъни: етарли мол-дунёси бўлса.

<sup>9</sup> Имом Аҳмад Бану Ҳошим муснадида Абдуллоҳ ибн Аббос муснадининг бошида 2864-ракам билан ривоят қилган.

Бу ердаги ҳаждан мурод - фарз ҳажидир.

Шунингдек, Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзининг зоҳири қўлидан келган инсон тезда ҳажни адо этиши вожиблигига далолат қиласди:

{وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حُجُّ الْبَيْتِ مَنْ أَسْطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ}

«Ва йўлга қодир бўлган кишилар Аллоҳ учун байтни ҳаж қилиши бурчдир. Кимки куфр келтирса, Аллоҳ бутун оламлардан беҳожатдир».<sup>10</sup>

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хутбаларидағи сўзлари ҳам: «Эй одамлар! Албатта, Аллоҳ таоло сизларга ҳажни фарз қилди, бас, ҳаж қилинглар».<sup>11</sup> (Муслим ривояти)

Шунингдек, умра ҳам вожиб эканлигига далолат қилган ҳадислар ворид бўлган. Улардан:

Жаброил алайҳиссалом Ислом ҳақидаги саволлариға Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавобан шундай деганлар: Ислом, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Мұхаммад Унинг элчиси деб гувоҳлик беришинг, намозни тўкис адо этишинг, закот

---

<sup>10</sup> Оли Имрон сураси 97-оят.

<sup>11</sup> Имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Умрида бир марта ҳаж қилиш фарз» бобида 1337-рақам билан ривоят қиласди.

беришинг, Аллоҳнинг байтини ҳаж ва умра қилишинг, жунуб бўлганда ғусл олиб таҳоратни тўлиқ бажаришинг ва Рамазон рўзасини тутишинг». <sup>12</sup> Ибн Хузайма ва Дорокутний Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу ҳадисидан ривоят қилганлар. Дорокутний: «Бу санад событ, саҳиҳдир», – деган.

Ва яна бу бобдаги ҳадислардан: Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Ё Расулуллоҳ, аёллар ҳам жиҳод қилиши керакми?» дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уларга урушсиз жиҳод, яъни ҳаж ва умра фарздир», – дедилар. <sup>13</sup> (Аҳмад ва Ибн Можа саҳиҳ санад билан ривоят қилган)

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуидаги сўзларига биноан ҳаж ҳам, умра ҳам умрда бир марта қилиниши фарздир: «Ҳаж бир мартадир, ким қўшимча қилса, у нафл». <sup>14</sup>

---

<sup>12</sup> Имом Ибн Хузайма «Маносик» китобининг «Умра фарз ва у Исломдан эканининг баёни» бобида 3044-рақам билан ривоят қилганлар. Дорокутний «Ҳаж» китобининг «Мавоқит» бобида 2664-рақам билан ривоят қилган.

<sup>13</sup> Ибн Можа «Маносик» китобининг «Ҳаж аёллар жиҳодидир» бобида 2901-рақам билан ривоят қилган.

<sup>14</sup> Имом Аҳмад «Бану Ҳошим» муснадининг Абдуллоҳ ибн Аббос муснадининг бошида 2637-рақам билан ривоят қилган. Доримиий «Маносик» китобининг «Ҳаж вожиблиги» бобида 1788-рақам билан ривоят қилган.

Саҳиҳайнда собит бўлган ҳадисга кўра ҳаж ва умрани кўп қилиш суннатдир. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умра (кейинги) умрагача иккаласи орасидагиларга каффоратдир. Мабур ҳажнинг мукофоти эса фақат жаннатдир», дедилар.<sup>15</sup>

---

<sup>15</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Ҳажнинг вожиблиги ва фазли» бобида 1773-рақам билан ва имом Муслим ҳам «Ҳаж» китобининг «Ҳаж ва умранинг фазли» бобида 1349-рақам билан ривоят қилган.

## Боб

# Маъсият ва зулмдан тавба қилиш вожиблиги ҳақида

Мусулмон киши ҳаж ёки умра сафарига азму қарор қилса, аҳли оиласи ва дўстларига Аллоҳга тақво қилишни, яъни У Зот буюрган амалларни бажариб, қайтарган нарсаларидан қайтишни насиҳат қилиши мустаҳабдир.

Олди-берди қарзларини ёзиб унга гувоҳ қолдириши керак. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзига биноан барча гуноҳларига чин дилдан тавба қилиши вожиб:

{وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهُ الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ}

**«Аллоҳга барчангиз тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки, нажот топсангизлар».<sup>16</sup>**

Ҳақиқий тавба: Гуноҳни тарқ қилиб, қилган ишига надомат чекиб, у ишга қайтиб оёқ босмасликка азм қилишдир. Агар бошқа одамларнинг нафси, обрўсиг ёки молига путур етказган бўлса, сафаридан олдин қайтариб бериши ёки ундан рухсат олиши лозим. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга оид ҳадис ривоят

---

<sup>16</sup> Нур сураси: 31-оят

қилинган: «Кимки бирровга (хөх маънавий, хөх моддий ва хөх жисмоний) зулм қилган бўлса, бугуноқ, динору дирҳам бўлмасидан (кун - Қиёмат келмасидан) олдинроқ унинг олдида ўз гуноҳини ювсин! Агар золим бу дунёда солиҳ амаллар қилган бўлса, у амалига етадиган савоблардан қилган зулмига ярашаси олиб қўйилади. Агар солиҳ амаллари бўлмаса, ўзи зулм қилган кишининг гуноҳларидан олиниб бунга юклатилади». <sup>17</sup>

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган ҳадисга кўра, ҳаж ва умраси учун ҳалол ва пок маблағ танлаши керак. У зот айтганларки: «Албатта, Аллоҳ покдир, фақат покнигина қабул қиласи». <sup>18</sup>

Табароний Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Агар киши ҳалол-пок нафақа билан ҳажга отланиб узангига оёгини қўйса ва «Лаббайкаллоҳумма лаббайк», деб нидо қиласа, осмондан нидо қилувчи:

---

<sup>17</sup> Имом Бухорий «Зулмлар» китобининг «Кишининг бирровга ноҳақлик қилган жойи бўлиб, кейин уни рози қиладиган бўлса, қилган ноҳақлигини очик-ойдин айтиб берадими?» бобида 2449-рақам билан ривоят қилган.

<sup>18</sup> Имом Муслим «Закот» китобининг «Ҳалол-пок касбдан топилган садақанингина қабул қилиниши» бобида 1015-рақам билан ривоят қилган. Имом Табароний «Авсот» китобининг (109/6) 5224-рақам билан ва «Тарғиб ва тарҳиб» китобида «Ҳалол нафақага тарғиб» бобида 1723-рақам билан ривоят қилган.

«Лаббайка ва саъдайк, озуқанг ҳалол, уловинг ҳалол ҳамда ҳажинг гуноҳсиз мақбулдир», деб нидо қиласи. Агар нопок нафақа билан йўлга отланса ва оёғини узангига қўйса ва «Лаббайкаллоҳумма лаббайк», деб нидо қилса, осмондан нидо қилувчи: «Лаббай ҳам ёрдам ҳам йўқ сенга, озуқанг ҳаром, нафақанг ҳаром ҳамда ҳажинг мақбул эмас», деб айтади» деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуийдаги сўзларига биноан, ҳожи, одамларнинг қўлидаги нарсадан беҳожат бўлиши ва одамлардан сўрашдан тийилиши керак: «Ким иффаттаб бўлса, Аллоҳ уни иффатли қилур. Ким ўзини беҳожат тутса, Аллоҳ уни беҳожат қилур». <sup>19</sup>

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши одамлардан тинмай тиланаверса, қиёмат куни юзида бир парча ҳам гўшти йўқ ҳолда келади», – деганлар. <sup>20</sup>

---

<sup>19</sup> Имом Бухорий «Закот» китобининг «Тиланчиликдан тийилиш» бобида 1469-рақам билан ривоят қилган. Имом Муслим ҳам «Закот» китобининг «Иффат ва сабрнинг фазли» бобида 1053-рақам билан ривоят қилган.

<sup>20</sup> Имом Бухорий «Закот» китобининг «(Дунёсини) кўпайтириш учун одамлардан садақа сўраган киши» бобида 1475-рақам билан ривоят қилган. Имом Муслим ҳам «Закот» китобининг «Одамлардан сўраш макрухлиги» бобида 1040-рақам билан ривоят қилган.

Ҳажга борадиган киши ҳаж ва умрасидан ундей шарафли ерларда Аллоҳнинг юзини ва охират диёрини қасд қилиб У Зотга Уни рози қиласидиган сўзлар ва амаллар билан яқинлашишни қасд қилиши лозим. Ҳаж амалидан дунё матоларини исташдан ёки ҳўжакўрсинглик билан фахрланиб юрай деган нарсадан жуда қаттиқ сақланиши керак. Чунки бундай мақсад энг қабиҳ мақсадлардан бўлиб, амалнинг ҳабата бўлишига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло айтгани каби:

{مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَزِينَتَهَا نُوفَّ إِلَيْهِمْ أَعْمَالُهُمْ فِيهَا وَهُمْ فِيهَا لَا يُنْخَسِّونَ} {أُولَئِكَ الَّذِينَ لَيْسَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ إِلَّا النَّارُ وَحَبَطَ مَا صَنَعُوا فِيهَا وَبَاطَلٌ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ}

**«Кимки бу дунё ҳаётини ва унинг зийнатини хоҳласа, бу борадаги амалларининг (самараси)ни тўлиқ берурмиз. Улар бунда камситилмаслар. Ана ўшаларга охиратда дўзах оловидан бошқа ҳеч вақо йўқдир. Бу дунёда қилган ишлари ҳабата бўлди ва қилган амаллари ботил бўлди».<sup>21</sup>**

Яна Аллоҳ таоло айтади:

---

<sup>21</sup> Худ сураси 15-16 оятлар.

{مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْعَاجِلَةَ عَجَّلْنَا لَهُ فِيهَا مَا نَشَاءُ لَمْنَ تُرِيدُ ثُمَّ جَعَلْنَا لَهُ جَهَنَّمَ يَصْلَاهَا  
مَذْمُومًا مَذْحُورًا} {وَمَنْ أَرَادَ الْآخِرَةَ وَسَعَى لَهَا سَعْيَهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَئِكَ كَانُ  
سَعْيُهُمْ مَشْكُورًا}

«Ким шошган(дунё)ни истаса, унга бу дунёда ирода қилган кишимизга нимани хоҳласак, шошилинч берурмиз. Сўнгра унга жаҳаннамни берурмиз. Унга хор ва қувфинга учраган ҳолда киур. (Бундай киши бу дунёда керак нарсасига эришиб олади. Аммо охиратига ҳеч нарса қолмайди.) Ким охиратни истаса ва унга эришиш учун мўмин бўлган ҳолида керакли ҳаракатини қилса, бас, ана ўшаларнинг ҳаракатлари мақбулдир. (Яъни, одам охиратда яхши натижага эриштирадиган ишларни қилиши ва охиратда жаҳаннамга дучор этадиган ишларнинг яқинига йўламаслиги лозим)».<sup>22</sup>

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган саҳиҳ ҳадисда У зот айтадилар: «Аллоҳ таоло айтди: «Мен шерикка энг беҳожат Зотман. Кимки бир амал қилса-ю, унда Мен билан бирга Мендан бошқани шерик қилса, ўзини ҳам, ширкини ҳам тарк этаман».<sup>23</sup>

---

<sup>22</sup> Исро сураси 18-19 оятлар.

<sup>23</sup> Имом Муслим «Зуҳд ва Ракоик» китобининг «Амалида Аллоҳдан бошқани ширик қилиш» бобида 2985-рақами билан ривоят қилган.

Сафарида тоат, тақво ва фикҳ аҳлига шерик бўлиши ҳамда аҳмоқ ва фосиқлардан эҳтиёт бўлиши керак.

Ҳаж ва умрага оид шариат аҳкомларини ўрганиши, тушиниши ва тушунмаган нарсаларини сўраши керак. Агар улов, машина, самалёт ёки бошқа минадиган нарсага минса, Аллоҳнинг исмини аташи, У Зотга ҳамд айтиши сўнгра уч марта такбир айтиб шундай дейиши мустаҳабдир:

{سُبْحَانَ الَّذِي سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُلَّا لَهُ مُفْرِنٌ} {وَإِنَّا إِلَى رَبِّنَا لَمُنْفَلِّونَ}

**«Бизга буни бўйсундирган Зот поқдир. Биз бунга қодир эмас эдик. Ва, албатта, Биз Раббимизга қайтгувчи дирмиз».**<sup>24</sup>

«Аллоҳим! Мен Сендан ушбу сафаримда тоат-ибодатларни, тақвони ва Сен рози бўладиган амалларни сўрайман. Аллоҳим, Сафардаги йўлдош ҳам, хонадонда ўринбосар-халифа ҳам Ўзингдирсан! Эй Аллоҳ! Мен Сендан сафар мashaққатларидан, қайғули, ёмон нарсалар (қўринишлар)дан ҳамда мол-мулк ва оиласа етадиган зиён-заҳматдан паноҳ беришингни сўрайман».<sup>25</sup> Чунки бу дуони Ибн Умар

<sup>24</sup> Зухруф 13-14 оятлар.

<sup>25</sup> Имом Аҳмад «Кўп ҳадис ривоят қилган сахобалар» муснадининг «Абдуллоҳ ибн Умар» муснадида 6275-рақам билан ривоят қилган. Имом Тирмизий «Дуолар» китобининг «Туяга минса нима дейди» бобида 3447-рақам билан ривоят қилган.

разияллоху анхумо Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан саҳиҳ ҳадисда ривоят қилган.

Үзига тегишли бўлмаган нарсалардан, ошиқча ҳазиллашишдан, ёлғон, ғийбат, гап ташиш ва бошқаларни устидан қулиш каби нарсалардан тилини тийиши лозим.

Ёнидагиларга кўпроқ яхшилик қилиши, зарар беришдан сақланиши, қўлдан келгунча ҳикмат ва яхши мавъиза билан яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтариши керак.

## **Хожи мийқотга етгач нима қилиши ҳақида**

Мийқотга етгач ғусл қилиб ҳушбўйланиши мустаҳаб бўлади. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳром пайтида ғусл қилиб, тикилган кийимларини ечганлар. Саҳиҳайнда ривоят қилинган ҳадисда Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: *«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эҳром боғлашларидан олдин эҳром учун, Каъбани тавоғ қилишларидан олдин эса эҳромдан чиқаётганлари учун ҳушбўйлик суриб қўяр эдим».*<sup>26</sup>

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша разияллоҳу анҳо умра учун эҳром боғлаган аммо ой кўриб қолган вақтларида (ҳайз масаласи) ғусл олиб, ҳажга эҳром боғлашга буюрадилар. Асмо бинт Умайс ҳам Зул ҳулайфада қўзлари ёриган вақтда ғусл олиб, қон келаётган ўринга бир мато қўйиб олиб эҳромга киришга буюрганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша ва Асмо разияллоҳу анҳумоларни буюрганлари каби аёл

---

<sup>26</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Эҳром боғлашда ҳушбўйланиш» бобида 1539-рақам билан ривоят қилган. Имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Эҳромдаги киши эҳром боғлаётганда ҳушбўй ишлатиши» бобида 1189-рақам билан ривоят қилган.

киши ой кўрган ёки нифоси келган ҳолида мийқотга борса, ғусл олиб одамлар билан эҳром боғлайди ва тавофдан ташқари ҳожилар бажарадиган барча ҳаж амалларини бажаради.

Эҳром боғлагач тукларни олмаслик учун эҳром боғламоқчи бўлган одам мўйлови, тирноқлари, қов супачаси, қўлтиғини ва кўздан кечирилиши керак бўлган тукларни олиши мустаҳаб. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларни ҳар доим бу ўринларни кўздан кечириб туришга буюрганлар. Саҳиҳайнда Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Беш нарса соғ фитраттан: Хатна қилиш, қовуқни қириш, мўйлабни қисқартиш, тирноқларни олиш ва қўлтиқ остидаги тукларни юлиш», – деганлар.<sup>27</sup>

Саҳиҳ Муслимда Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Биз учун мўйлабни қисқартириш, тирноқларни олиш, қўлтиқ тукларини юлиш ва қовуқ тукларини қириш муддатини қирқ кечадан оширмаслик белгиланди».<sup>28</sup>

---

<sup>27</sup> Имом Бухорий «Либос китоби» нинг «Тирноқларни олиш» бобида 5891-рақам билан ва имом Муслим эса «Таҳорат» китобининг «Фитрий хислатлар» бобида 257-рақам билан ривоят қилган.

<sup>28</sup> Имом Муслим «Таҳорат» китобининг «Фитрий хислатлар» бобида 258-рақам билан ривоят қилган.

Имом Насойи: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам белгилаб бердилар», – деган лафз билан ривоят қилган.<sup>28</sup> Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Имом Тирмизийлар ҳам Имом Насойи лафзи билан ривоят қилғанлар. Сочга келадиган бўлсак, эҳром боғлашдан олдин эркаклар ҳам, аёллар ҳам ундан бирор нарсани олиши машруъ қилинмаган.

Соқолга келадиган бўлсак, соқолни ҳамма вақт қириш ёки бирор қисмини олиш ҳаромдир. Аксинча, соқолни ўстириш, қўпайтириш вожиб. Саҳиҳайнда собит бўлган ҳадисда Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мушрикларга хилоф қилинглар: соқолни ўстиринглар, мўйлабни тарошланглар», – деганлар».<sup>29</sup>

Имом Муслим ўз саҳиҳида Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилган: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўйлабни калта қилинглар, соқолни қўйинглар – мажусийларга хилоф қилинглар», – деганлар.

---

<sup>28</sup> Имом Насойи «Таҳорат» китобининг «Мўйлабни қирқиш муддати» бобида 14-рақам билан ривоят қилган.

<sup>29</sup> Имом Бухорий «Либос китоби» нинг «Тирноқни олиш» бобида 5892-рақам билан ривоят қилган. Имом Муслим «Таҳорат китобининг «Фитрий хислатлар» бобида 260-рақам билан ривоят.

Замонимиздаги кўпчилик одамлар суннатга хилоф иш қилишлари, соқолга қарши курашишлари, ўзларини кофирлар ва аёлларга ўхшашларига рози бўлишлари, хусусан ўзларини илм ва таълимга нисбат берадиганлардан бундай ишлар содир бўлиши, мусибатни янада оғирлаштиromoқда. Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъун. Аллоҳ таолодан бизни ва барча мусулмонларни гарчи кўпчилик бундан юз ўгирса ҳам, суннатни маҳкам ушлашга ва унга даъват қилишга йўллашини сўраймиз. Аллоҳ ўзи бизга кифоя ва У қанчалик ҳам яхши вакил. Олий ва Улуғ бўлган Аллоҳдан ўзгада куч ҳам, ҳолатни ўзгартиришга қудрат ҳам йўқдир.

Сўнгра эркак киши изор ва ридо, яъни, белдан пасига бир мато, белдан юқорисига эса бошқа мато ўрайди. Кийим тоза, оқ бўлиши ва оёққа шиппак кийиши ҳам мустаҳабдир. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Эҳром боғламоқчи бўлган) Бирингиз изор, ридо ва икки шиппакда эҳром боғласин », – деганлар.<sup>30</sup> (Имом Аҳмад ривояти)

Энди аёл кишига келсак, қора, яшил ёки бошқа хоҳлаган кийимида эҳромга кириши мумкин. Шу

---

<sup>30</sup> Имом Аҳмад «Кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар» муснадининг Абдуллоҳ ибн Умар муснадида 4881-рақам билан ривоят қилган.

билан бирга, эркакларга ўхшаб қолишдан эҳтиёт бўлиши лозим. Аёл киши эҳромга киргач ниқоб ёки қўлқоп кийиши мумкин эмас. Лекин юзини ва икки кафтини ниқоб ва қўлқопсиз беркитади. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳромдаги аёлни ниқоб ва қўлқоп кийишдан қайтарганлар. Шунингдек, баъзи авом кишиларнинг аёл кишининг эҳромдаги кийимини фақат қора ёки яшил қилиб олишлари шариатимизда асли йўқ бўлган амалдир.

Ғусл олиб, тозаланиб, эҳром кийимларини кийгач умра ёки ҳаж, қайси амални қилмоқчи бўлса, ўшанга киришни қалби билан ният қиласди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, амаллар ниятларга кўра (баҳоланади). Ва ҳар бир кишига ўзи ният қилган нарсаси бўлади», – деганлар.<sup>31</sup>

Ният қилган нарсасини талаффуз қилиши жоиз. Агар умрага ният қилган бўлса: «Лаббайка умротан» ёки «Аллоҳумма лаббайка умротан», – дейди. Агар ҳажга ният қилган бўлса: «Лаббайка ҳажжан» ёки «Аллоҳумма лаббайка ҳажжан», – дейди. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам

---

<sup>31</sup> Имом Бухорий «Вахий бошланиши» китобининг «Вахий бошланиши» бобида 1-рақам билан, имом Муслим эса «Иморат» китобининг «Амаллар ниятга қараб баҳоланади» бобида 1907-рақам билан ривоят қилган.

шундай қилғанлар. Агар иккаласига ҳам ният қилса: «Аллоҳумма лаббайка умротан ва ҳажжан», – деб айтади. Улов, машина ёки бошқа маркабга мингандан кейин талафғуз қилиши афзалроқ. Чунки аҳли илмларнинг сўзлари орасидаги энг тўғрироғи Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уловларига ўтиргач, мийқоттан йўлга отлангач талбия айтишни бошлиғанлар.

Ният қилган нарсасини талафғуз қилиши фақатгина, эҳромда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлгани учун жоиздир.

Намоз, тавоф ва бошқа амалларда ниятини талафғуз этмаслиги керак. «Шундай-шундай намоз ўқиши ёки шундай-шундай тавоф қилишни ният қилдим», деб айтмайди. Аксинча, талафғуз қилиш янги чиққан бидъатлардан, уни жаҳрий айтиш эса каттароқ гуноҳдир. Агар талафғуз қилиш машруъ бўлганда эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам амаллари ёки сўзлари билан умматларига баёнлаб берган ва салафи солиҳлар бажарган бўлар эдилар.

На Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ва на асҳобларидан ворид бўлмагандан кейин, бу ишнинг бидъат эканлиги аён бўлади. Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ишларнинг энг

ёмони янги чиққанлари ва ҳар бир янги бидъат залолатдир», – деганлар.

Имом Муслим ўз саҳихида ривоят қилган Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган янги нарсани чиқарса, у (иши) рад қилингандир», – деганлар. (Муттафақун алайҳи)

Имом Муслим якка ўзи ривоят қилган лафзда: «Ким бизнинг буйруғимиз бўлмаган ишни қилса, у (қилган иши) рад қилингандир », – тарзида келган.<sup>32</sup>

---

<sup>32</sup> Имом Аҳмад «Шомликлар муснади»да Ирбод ибн Сария ҳадисида 16694-рақам билан ривоят қилган. Абу Довуд «Суннат» китобининг «Суннатни лозим тутиш» бобида 4607-рақам билан ривоят қилган.

Саҳиҳ Бухорий «Сулҳ» китобида 2697, саҳиҳ Муслим «Хукмлар» китобида 1718, сунан Абу Довуд «Суннат» китобида 4606, сунан Ибн Можа муқаддимада 14, Муснад Аҳмад ибн Ҳанбал 6/256 рақам остида ривоят қилганлар.

Имом Бухорий «Нажш» бобида муаллақ ҳолда ва имом Муслим эса «Хукмлар» китобининг «Ботил хукмларни бузиш ва янги чиққан ишларни рад этиш» бобида 1718-рақам билан ривоят қилган.

## **Боб**

### **(Мийқот) Эҳром боғлайдиган жой ва унинг худудлари.**

Мийқотлар бешта:

1. Зул хурайфа: Мадина аҳлиниң мийқоти. Бугун одамлар у ерни «Абяар Али» деб аташади.
2. Жуҳфа: Шом аҳлиниң мийқоти. Робиғга яқин бир овлоқ жойга айтилади. Ҳозирги кунда одамлар Робиғдан эҳром боғлашади. Ким Робиғдан эҳром боғласа, мийқоттан эҳром боғлаган деб ҳисобланаверади. Чунки Робиғ ундан сал олдинроқда жойлашган.
3. Қорнұл маназил: Нажд аҳлиниң мийқоти. Ҳозирги кунда у «Сайл» деб аталади.
4. Яламлам: Яман аҳлиниң мийқоти.
5. Зоту ирқ: Ироқ аҳлиниң мийқоти.

Бу мийқотларни Набий соллаллоху алайхи ва саллам ҳаж ёки умрага ўша ерларда яшайдиган ёки ўша томондан келадиганларга белгилаб берганлар. Маккага умра ёки ҳаж қилиш учун келадиганлар юқорида зикр қилинган мийқотлардан осмондан ўтса ҳам, ердан ўтса ҳам эҳромсиз ошиб ўтиши

ҳаромдир. Шунинг учун ҳожилар ёки умрачилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига биноан мийқотдан эхром ҳолларида ўтишлари керак: «Булар ўша ерликлар учун ҳамда бу ерларга уларнинг аҳолисидан ташқари, ҳаж ва умра қилмоқчи бўлганлар учун». <sup>33</sup>

Маккага ҳаж ёки умра қилиш учун ҳаво йўллари орқали отланган киши тайёрага минишдан олдин ғусл олиш ва шунга ўхшаш ишларни қилиб тайёрланиши керак. Мийқотга яқинлашгач изор ва ридосини кияди. Сўнгра ҳаж пайтигacha анча вақт бўлса, умрага талбия айтади. Агар ҳаж вақтига оз қолган бўлса, ҳажга талбия айтади. Агар минишдан ёки мийқотга яқинлашишдан олдин изор ва ридосини кийиб олса бунинг зиёни йўқ. Лекин мийқотга яқинлашмагунча ёки қаршилашмагунча ҳаж амалларига киришга ният қилмайди ва унга талбия ҳам айтмайди. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам фақатгина мийқоттан эхромга ният қилганлар. Умматлари эса, У зотга бу ва диннинг бошқа барча ишларида эргашиши лозим. Чунки Аллоҳ таоло айтганки:

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أَسْوَةٌ حَسَنَةٌ﴾

---

<sup>33</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Шом аҳлининг мийқоти» бобида 1526-ракам билан, имом Муслим ҳам «Ҳаж» китобида «Ҳаж ва Умранинг мийқотлари» бобида 1181-ракам билан ривоят қилган.

**«Батахқиқ, сизлар учун Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расууллоҳда гўзал ўrnak бор эди».<sup>34</sup>**

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам "Видолашув ҳажида" шундай деганлар: «Ҳаж амалларингизни мендан ўрганиб олинглар!»

Энди ким Маккага ҳаж ёки умра учун эмас, балки тижорат, ўтинчи, хатчи ёки бошқа мақсад учун борса, эҳром билан кириши шарт эмас. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мийқотларни зикр қилиб: «Булар ўша ерликлар учун ҳамда бу ерларга уларнинг аҳолисидан ташқари, ҳаж ва умра қилмоқчи бўлганлар учун », – деганлар.<sup>35</sup>

Бу ҳадисдан Маккага ҳаж ва умра истагида бормаган киши эҳром боғламаслиги тушунилади.

Бу нарса Аллоҳ таолонинг бандаларига бўлган раҳмати ва енгиллаштиришидандир. У Зотга ҳамд ва шукр бўлсин. Юқоридаги сўзни Набий

---

<sup>34</sup> Аҳзоб сураси 21-оят.Имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Наҳр куни жамратул-ақабада уловда тош отиш мустаҳаблиги» бобида 1297-рақам билан ривоят қилган.

<sup>35</sup> Сахиҳ Бухорий «Ҳаж» китоби 1524, сахиҳ Муслим «Ҳаж» китоби 1181, сунан Насоий «Маносик Ҳаж» 2654, муснад Аҳмад ибн Ҳанбал 1/332, сунан Даримий «Маносик» китоби 1792.

соллаллоху алайҳи ва саллам Фатҳ йили Маккага кирганларида эҳром киймасдан, бошларига дубулға кийиб кирганлари ҳам қувватлайди. Чунки ўша вақтда умра ёки ҳаж қилишни эмас, аксинча, Маккани фатҳ қилишни ва ундаги ширкни йўқ қилишни истаган эдилар.

Энди кимнинг маскани мийқотнинг ичкарисида бўлса, Жидда, Умму Салам, Баҳро, Шароиъ, Бадр, Мастуро ва шу каби ерларда яшовчилар бешта мийқотнинг бирортасига ҳам бориши шарт эмас. Аксинча, ўзининг яшаган жойи унинг мийқоти бўлиб, ҳаж ёки умра қилмоқчи бўлса ўша ердан эҳром боғлайди. Агар мийқотнинг ташқарисида бошқа уйи бўлса, унга танлов берилади. Хоҳласа мийқоттан, хоҳласа мийқотнинг ичкарисидаги уйидан эҳромга киради. Чунки Ибн Аббос разияллоху анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам мийқотни зикр қилганларида шундай деганлар: «Ким буларнинг (шу мийқотларнинг) ичида бўлса, унинг эҳром боғлайдиган жойи ўз еридандир. Шунингдек, ҳатто **Макка аҳли ҳам ўша жойдан эҳром боғлайди».<sup>36</sup> (Имом Бухорий ва Муслим ривояти)**

---

<sup>36</sup> Тахлилгоҳ: Эҳром боғлаганда айтиладиган талбия демакдир.Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Шом аҳлининг тахлилгоҳи» бобида 1526-

Лекин Ҳарам ҳудудида яшовчи одам умра қилишни хоҳласа, Ҳарам ҳудудидан ташқарига чиқиб, умра қилиш учун эҳром боғлаши керак. Чунки Оиша онамиз Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан умра қилишга изн сўраганларида, Оиша онамизнинг акалари Абдураҳмонни улар билан Ҳарам ҳудудидан ташқарига чиқишга ва ўша ердан эҳром боғлашга буюрганлар. Шундай қилиб бу қисса Ҳарам ҳудудида яшовчи киши унинг Ҳарамдан ташқарига чиқиб келиши кераклигига далолат қиласи. Бу ҳадис Ибн Аббос разияллоҳу анҳумонинг юқорида зикр қилинган умумий ҳадисларини хослайди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Макка ахли маккадан эҳром боғлайди»,<sup>37</sup> деган сўзлари умра қилувчиларга эмас, балки, ҳаж қилувчиларга тегишли эканлигига далолат қиласи. Агар умра учун эҳром боғлаш Ҳарам ҳудудида туриб жоиз бўлганда Оиша разияллоҳу анҳони унинг ташқарисига чиқишга буюрмасдан, ўша ердан эҳром боғлашга изн берган бўлар эдилар. Бу фикр кўпчилик уламоларнинг фикри бўлиб, мўмин учун энг эҳтиётли чорадир.

---

рақам билан ва Имом Муслим «Ҳаж китобининг «Ҳаж ва умранинг мийқоти» бобида 1181-рақам билан ривоят қилган.

<sup>37</sup> Саҳих Бухорий «Ҳаж» китоби 1526, имом Муслим «Ҳаж» китоби 1181, сунан Насойи «Маносикул-Ҳаж» 2654, муснад Аҳмад ибн Ҳанбал 1/238 ва сунан Доримий «Маносик» 1792.

Чунки шу фатвога амал қилиш билан иккى ҳадисни жамлаган бўламиз. Аллоҳ ўзи тавфиқ берувчи.

Ҳозирги кундаги баъзи инсонлар ҳаж амалларини адo этганларидан сўнг кўпроқ умра қилиб олиш учун Танъим, Жиърона ёки бошқа жойга бориб келиб, ҳаждан олдин умра қилган бўлса ҳам яна умра қилишларига далил йўқ. Аксинча, далиллар бу ишни тарқ қилиш афзаллигига далолат қиласди. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва уларнинг асҳоблари ҳаждан кейин умра қилишмаган. Оиша онамизнинг танъимдан умра қилганининг сабаби эса, улар Маккага кирганда ой кўрганлари сабабли, одамлар умра қилганда умра қила олмаганларидир. Олдин умрага ният қилиб эҳром боғлаганлари ва узр сабабли умра қила олмаганлари учун янгидан умра қилишга Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан изн сўраганларида рухсат бердилар. Шундай қилиб иккита умра қилиб қолдилар, ҳаж билан бирга қилинган умралари ва ҳаж тугагач қилган умралари. Энди ким Оиша онамизнинг ҳолатига тушган бўлса, барча далилларга амал қилган ҳолда ва мусулмонларга кенглик яратиш бобидан ҳаждан кейин умра қилса бўлади.

Шубұқасиз, ұаж тугагач ҳожилар Маккага киргандаги умраларидан ташқари яна умра қилишлари барчага мاشаққат яратади. Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларига тескари иш қилиш билан бирга, ұар хил ҳодисалар ва тиқилинчларга ҳам сабаб бўлади. Аллоҳ ўзи тавфиқ бергувчи.

## **Боб**

# **Ҳаж ойларидан бошқа ойда мийқотга етиб борган кишининг ҳукми ҳақида**

Билингки, мийқотга етган кишининг икки ҳолати бор:

Биринчиси: Ҳаж ойларидан бошқа Рамазон ва Шаъбон каби ойларда етиб бориши. Бу киши борасидаги суннат, умрага қалби билан ният қилиб: «Лаббайка умротан» ёки «Аллоҳумма лаббайка умротан» каби лафзларни талаффуз этиш, сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг талбиялари билан талбия айтишдир: «Лаббайкаллоҳумма лаббайк. Лаббайка лаа шарийка лака лаббайк. Иннал-ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк. Лаа шарийка лак!»<sup>38</sup> Байтуллоҳга етгунга қадар ушбу талбияни ва Аллоҳнинг зикрини кўпайтиради. Байтуллоҳга етгач талбияни тўхтатади ва етти марта Каъбанинг атрофини тавоф қиласи. Мақоми Иброҳим ортида икки ракат намоз ўқиёди. Сўнгра, Сафога чиқиб Сафо ва Марва ўртасида етти марта саъй қиласи. Сўнгра сочини қиради ёки

---

<sup>38</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Талбия» бобида 1549-рақам билан, имом Муслим ҳам «Ҳаж» китобининг «Талбиянинг вақти ва сифати» бобида 1184-рақам билан ривоят қиласи.

қисқартиради. Шу билан умраси тамомига етади ва эхром сабаб ҳаром бўлган барча нарсалар унга ҳалол бўлади.

Иккинчиси: Ҳаж ойларида: Шаввол, Зулқаъда ва Зулҳижжанинг биринчи ўн кунида мийқотга етиш. Бу ҳолатдаги кишига учта танлов берилади. Фақатгина ҳаж, фақатгина умра ёки иккаласини ҳам жамлаш. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам "Видолашув ҳажида" Зулқаъда ойида мийқотга етганларида асҳобларига ушбу учта нусукни баёнлаб берганлар. Аммо бу киши ҳам, агар ёнида сўйишлик учун қурбонлиги бўлмаса умрага эхром боғлаши суннатдир. Ҳаж ойларидан бошқа ойда борган киши ҳақида нима деган бўлсак, ўша ишларни бажаради. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага яқинлашганларида асҳобларини умрага эхром боғлашга буюрганлар ва Маккада буни яна таъкидлаганлар. Саҳобалар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буюруқларига биноан кимда қурбонлик йўқ бўлса, тавоғ қилдилар, саъй қилдилар ва соchlарини олиб эхромларини ечдилар. Аммо кимда қурбонлик бўлса, сўйиш куни келгунча эхромда қолишга ва сўйиш куни ечишга буюрдилар. Қурбонлик эрчитиб олган инсон ҳаж ва умрани жамлаб эхром боғлаши

суннат. Чунки Набий соллаллоху алайҳи ва саллам қурбонлик әрчитганлари учун шундай қилғанлар. Ҳамда асҳобларидан қурбонлик әрчитиб умрага ният қилғанларини ҳам ҳаж ва умрани жамлашга буюрган әдилар. Қурбонлик әрчитиб олган инсон фақат ҳаж қилишни ният қилған бўлса, Қирон ҳажини қилған инсон каби Наҳр куни эҳромдан чиқади.

Шундай қилиб, ким фақат ҳажни ёки ҳаж ва умрани ният қилса-ю лекин қурбонлиги бўлмаса, эҳромида қолиши мумкин эмас. Аксинча, эҳромини умрага атаб, тавоф ва саъй амалларини бажариб, сочини олиб эҳромидан чиқиши суннатdir. Ҳудди Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ўзлари билан қурбонлик әрчитиб келмаган асҳобларини буюрганлари каби. Агар кечикиб келганлиги сабабли ҳаж вақти ўтиб кетишидан қўрқса, эҳромида қолса бўлади. Аллоҳ билгувчироқdir.

Агар эҳром боғлаган киши касаллик, душман хавфи ёки шу каби ишлар сабабли нусукларини тўлиқ бажара олмай қолишидан қўрқса, эҳром боғлаётганда шундай дейиши мустаҳаб бўлади: «Агар бирор тўсиқ мени тўсиб қолса, эҳромдан

чиқишиң жойим Ўзинг мени түхтатган жойингдир». <sup>39</sup> Зубоъа бинт Зубайр разияллоҳу анҳо ҳадисига қўра шундай қилиш жоиз, у айтади: «Ё Расулуллоҳ, ҳаж қилмоқчиман, лекин касалман». Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳажни бажаравер, шарт қилиб, «Аллоҳим, эҳромдан чиқишиң жойим Ўзинг мени түхтатган ердадир », дегин», – деганлар.<sup>40</sup> (Муттафақун алайҳи)

Бу шартнинг фоидаси: Эҳром боғлаган киши касаллик ёки душман каби нарсалар ибодатини тўлиқ бажаришдан тўсиб қўйса, эҳромидан ҳеч қандай муаммосиз чиқаверади.

---

<sup>39</sup> Бу ҳадсни Ибн Қоййим раҳимаҳуллоҳ «Иъламул мувакқиъин» китобининг 3-мужаллади 299 - бетида «Тавба шартга боғланадими» бобида олиб келган.

<sup>40</sup>Имом Бухорий «Никоҳ» китобининг «Дин борасида тенглар ҳақида» бобида 5089-ракам билан ва Имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Эҳромдаги кишининг касаллик ёки шунга ўхшаш узр сабабли эҳромдан чиқишиң шарт қилиши жоизлиги ҳақида» бобида 1207-ракам билан ривоят қилган.

## **Боб**

**Ёш боланинг ҳаж қилиши ҳукми ҳақида.  
Агар жоиз бўлса, Исломдаги ҳажининг ўрнини  
босадими?**

Саҳих Муслимда келган Ибн Аббос разияллоҳу анҳумонинг ҳадисларига қўра бола ёки қизалоқнинг ҳажи саҳих бўлади: «Бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ёш болани кўтариб туриб: «Ё Расулуллоҳ, бунга ҳам ҳаж дурустми?» деди. У зот: «Ҳа, сенга эса ажр бўлади », дедилар».<sup>40</sup>

Саҳих Бухорийда Соиб ибн Язийд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Етти ёшлигимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ҳаж қилдирилдим », - деганлар.*<sup>41</sup> Лекин бу ҳаж Исломдаги (фарз) ҳажининг ўрнини босмайди.

Қул ва чўрининг ҳам қилган ҳажи дурустдир, лекин, Ислом ҳажининг ўрнини босмайди. Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинадики: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси-ки ёш бола ҳаж қилса, сўнгра балоғатга етса, яна ҳаж қилиши

---

<sup>40</sup> Имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Гўдакнинг ҳажи дуруст экани ҳақида» бобида 1336-рақам билан ривоят қилган.

<sup>41</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Ёш болаларнинг ҳажи» бобида 1858-рақам билан ривоят қилган.

фарздир. Қайси-ки қул ҳаж қилса, сўнгра озод қилинса, яна ҳаж қилиши фарздир», дедилар.<sup>42</sup> (Ибн Абу Шайба ва имом Байҳақий ҳасан санад билан ривоят қилган)

Агар бола ҳали жуда ёш бўлса, валийси унинг ўрнига ният қиласи, тикилган кийимларини ечади ва унинг ўрнига талбия айтади. Шундай қилиб бола эҳромга киради. Унга эҳромдаги катта кишиларга ман қилинган барча нарса ман қилинади. Ёш қизча ҳам шундай. Унинг ўрнига валийси ният қиласи, талбия айтади, шу билан эҳромга киради. Катта эҳромга кирган аёл нимадан ман қилинса, бу ҳам ман қилинади. Тавоф пайтида ёш боланинг кийимлари ва бадани пок бўлиши керак. Чунки тавоф намоз сингари бўлиб, унда ҳам ҳудди намозга таҳорат олингани каби таҳорат олиш шарт.

Агар ёш бола ва ёш қизалоқ ажратса олиш ёшига етган бўлса, валийсининг амри билан эҳромга киради. Катта одам каби эҳромга кираётиб ғусл олиш, хушбўйланиш ва шу каби бошқа ишларни бажаради. Валийси ота-онаси ёки бошқа одам

---

<sup>42</sup> Имом Байҳақий «Сунан Кубро»нинг «Ҳаж» китобида «Маккага кириш» боблари остидаги «Боланинг балоғатга етганда, қулнинг озод қилинганда ва зиммийнинг динга киргандаги ҳажи» бобида 9865-рақам билан ривоят қилган.

бўлишидан қатъий назар, унинг ишларига қоим бўлиб ёрдам беради. Тош отиш ва шу каби қўлидан келмайдиган ишларни валийси бажаради. Арафада туриш, Мино ва Муздалифада тунаш, тавоғ, саъй каби бошқа маносикларни ўзи бажариши керак. Агар тавоғ ва саъйдан ожиз бўлса, қўлда кўтариб тавоғ ва саъй бажарилади. Кўтариб олган инсон ибодатдаги эҳтиёткорлик ва: «Сени шубҳалантирган нарсани шубҳалантиrmайдигани билан тарк қил»<sup>43</sup>, ҳадисига биноан ўзи ва боланинг тавоғ ва саъйини бирга қилмагани яхши. Балки унинг ўзига тавоғ ва саъй бажаради. Сўнг ўзи учун мустақил равишда ният қилиб такроран амалларни бажаради . Агар болани кўтариб олган киши ўзига ҳам, болага ҳам ният қилса, олимларнинг айтган ихтилофларига кўра тўғрироғи, дуруст бўлади. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам боланинг ҳажи ҳақида сўраган аёлни болага алоҳида тавоғ қилишга буюрмадилар. Агар вожиб бўлганда эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу заҳоти баёнлаб берган бўлар эдилар. Аллоҳ ўзи тавфиқ бергувчи.

---

<sup>43</sup> Имом Тирмизий «Киёматнинг сифати» китобининг «Ховуз идишларининг сифати ҳақида келган асарлар» бобида 2518-рақам билан ва имом Насойи эса «Ичимликлар» китобининг «Шубҳаларни тарк қилишга ундаш» бобида 5711-рақам билан ривоят қилган.

Ақли етган ёш бола ва ёш қиз катта эхромдаги киши каби тавофдан аввал таҳорат олишга буюрилади. Ақли етмаган болаларга эхром боғлаш валийларига вожиб әмас, аксинча, нафл холос. Агар шундай қилса, унга ажр бор, қилмаса муаммо йўқ. Аллоҳ билгувчироқдир.

## Боб

# Эхромдаги кишига таъқиқланган ва рухсат берилган ишлар ҳақида

Эхромга киргандык киши эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар, ният қилгандан сўнг сочи ёки тирноғидан бирор нарсаларни олиши ёки хушбўйланиши мумкин эмас.

Эркак киши қирқилиб, атайин баданга мослашиб тикилган кўйлак, футболка, шим, маҳси ва пайпоқ каби нарсаларни кийиши мумкин эмас. Магарам, агар изор топа олмаса, шим кийиши жоиз. Худди шундай, ким шиппак топа олмаса, маҳсининг орқасини кесмай кийиши жоиз. Чунки, саҳиҳайнда Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинадики: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким шиппак топа олмаса, маҳси кийсин. Ким изор топа олмаса, шалвор кийсин!» – деганлар». <sup>44</sup>

Ибн Умар разияллоҳу анҳумонинг шиппаги йўқлиги сабабли маҳси кийишга муҳтож бўлган киши маҳсининг орқасини кесиб кийиши ҳақидаги

---

<sup>44</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Эхром боғлаган киши маҳси кийиши» бобида 1841-рақам билан ва имом Муслим ҳам «Ҳаж» китобининг «Ҳаж ёки умрага эхром боғлаган кишига нималар мубоҳлиги ҳақида» бобида 1179-рақам билан ривоят қилган.

ҳадиси мансухдир. Чунки, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинада эҳром боғлаган киши нима кийиши ҳақида сўралганларида бу нарсага буюрганлар. Сўнгра Арофот тоғида хутба қилганларида шиппаги йўқ киши маҳси кийиши жоизлиги ҳақида хабар бериб, уни кесишга буюрмаганлар.

Бу ерда маҳси сўзидан мурод, оёқни ўраб турадиган оёқ кийим демакдир. Бу хутбада Мадинада У зотнинг жавобларини эшитмаганлар ҳам иштирок этган. Усул фиқҳ ва усул ҳадис илмларида айтилганидай: «Масаланинг баёнини ҳожат вақтидан кечиктириш жоиз эмас». Шундай қилиб, кесишга буюрган буйруқлари насх бўлди. Агар вожиб бўлганда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам баёнлаган бўлар эдилар, Аллоҳ билгувчироқдир.

Эҳром боғлаган киши шиппак турига кирадиган, икки ошиқдан паст бўлган оёқ кийим кийиши ҳамда изорини ип ёки шу каби нарсалар билан боғлаши ҳам жоиз. Чунки, бу нарсани ман қиласиган бирорта далил ворид бўлмаган. Шунингдек, эҳром боғлаган киши ғусл олиши, бошини ювиши ва оҳисталик билан юқалаши жоиз.

Шу сабабли бошидан бирор соч толаси тушса бунинг зарари йўқ.

Эҳромдаги аёл юзга хослаб тикилган парда ва ниқоб тақиши, қўлига қўлқоп кийиши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуидаги сўзларига биноан ҳаром қилинган: «Эҳромдаги аёл ниқоб тутмасин, қўлқоп ҳам киймасин!»<sup>45</sup> (Имом Бухорий ривояти)

Қўлқоп: қўлга мослашиб пахта, жун ёки шу каби нарсалардан тикилган кийим.

Ундан ташқари, аёл кишига қўйлак, шарвол, маҳси, пайпоқ ва шу каби барча тикилган кийимлар жоиз.

Шунингдек, эҳтиёж тўғилса рўмолини юзига боғламай шунчаки ташлаб олиши ҳам жоиз. Рўмоли юзига текса ҳам ҳеч нарса бўлмайди. Чунки, Оиша разияллоҳу анҳо айтадиларки: *«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан эҳром боғлаган ҳолда кетаётганимизда олдимииздан уловда инсонлар ўтиб қолар эди. Улар бизга яқинлашганларида биримиз рўмолини юзига*

---

<sup>45</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Эҳром боғлаган киши хушбўйланишдан қайтарилгани ҳақида» бобида 1838-рақам билан ривоят қиласан.

*ташлар ва ўтиб кетса юзини очар эди».*<sup>46</sup> (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти)

Дороқутний эса ҳудди шундай ҳадисни Умму Саламадан ривоят қилган.

Қўлига қўйлагини тушуриб ёки бошқа нарса билан ёпса ҳам муаммо йўқ. Бошқа эркаклар олдида юзини ва кафтини ёпиши вожиб, чунки у аврат ҳисобланади. Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилган:

وَلَا يُبَدِّيَنَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا لِبُعْلَتِهِنَّ

**«Зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига...».**

Юз ва қўл энг кучли зийнат эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Юзнинг зийнати қўлга қараганда кучлироқдир. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِذَا سَأَلْتُمُوهُنَّ مَنْ وَرَاءَ جَبَرِ ذَلِكُمْ أَطْهَرُ لَفْلُوبِكُمْ وَقُلُوبِهِنَّ

**«Қачонки улардан бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўранг. Шундай қилмоғингиз ўз қалбларингиз учун ҳам, уларнинг қалблари учун ҳам покроқдир».**

---

<sup>46</sup> Сунан Абу Довуд «Алманосик» китоби 1833, сунан Ибн Можа «Маносик» 2935, Муснад Ахмад ибн Ханбал 6/30.Нур сураси: 31-оят.Аҳзоб сураси 53-оят.

Аммо ҳозирги кундаги баъзи аёллар рўмолни юзидан кўтарилиб туриши учун пешонага боғич қилиб олишлари шариатда асли йўқ бўлган ишлардандир. Агар у машруъ бўлганда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам баёнлаб берган бўлар эдилар. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам эҳром кийими кир бўлса ёки бошқа сабабга кўра уни ювиши ёки алмаштириши жоиздир.

Заъфарон ёки варс гули теккан кийим кийса бўлмайди. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда бундан қайтаргандар.

Эҳром боғлаган киши одобсиз ва фисқ сўзларни сўзлаши ва тортишиши мумкин эмас. Аллоҳ таоло айтади:

{الْحَجُّ أَشْهُرٌ مَعْلُومَاتٌ فَمَنْ فَرَضَ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقٌ وَلَا جَدَالٌ فِي الْحَجَّ}

**«Ҳаж маълум ойлардир. Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал йўқдир».<sup>47</sup>**

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган саҳиҳ ҳадисда шундай деганлар: «Ким ҳаж қилса-ю, шаҳвоний нарсалар ҳамда фосиқлик қилмаса,

---

<sup>47</sup> Бақара сураси 197-оят.

онасидан туғилган кундагидек (гұнохсиз) бўлиб қайтади». <sup>48</sup>

Рафас: Жимо, фаҳш амал ва сўзларга ишлатилади.

Фосиқлиқдан мурод маъсиятдир.

Тортишишдан мурод ботил ёки фойдасиз нарсада тортишишдир.

Аммо ҳақни зоҳир қилиш ва ботилни рад этиш учун тортишса, бўлаверади. Аксинча, бу нарсага буюрилган. Аллоҳ таоло айтганки:

{ادْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحِكْمَةِ وَالْمُؤْعِظَةِ الْحَسَنَةِ وَجَادِلْهُمْ بِالْتَّيْهِ هِيَ أَحْسَنُ}

**«Раббингнинг йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза ила даъват қил. Ва улар ила гўзал услугда мунозара қил».**

Эркак киши эҳром боғлагач бошига тегиб турадиган дўппи, ёпинчиқ, салла ва шу каби нарсалар билан боши ёки юзини ёпиши ҳаромдир. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафа куни уловидан йиқилиб вафот этган киши ҳақида шундай деганлар: «Уни сув ва сидр билан ювиб,

---

<sup>48</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг Ҳаж мабур мабида 1521-рақам билан, имом Муслим ҳам «Ҳаж» китобининг «Ҳаж ва умра ва Арафа кунининг фазли» мабида 1350-рақам билан ривоят қилган. Наҳл сураси 125-оят.

(эхромининг) икки матосига кафанланглар! Унинг бошини ҳам, юзини ҳам ёпманглар! Албатта, у Қиёмат куни талбия айтган ҳолида тирилади». <sup>49</sup> (Муттрафақун алайҳи ва бу имом Муслимдаги лафздир)

Шунингдек, машина, соябон, чодир, дараҳт ва шу қаби нарсаларнинг соясида туришда муаммо йўқ. Саҳиҳ ҳадисда событ бўлишича: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга жамротул ақобада тош отаётганларида кийим билан соябон қилиниб турган».

<sup>50</sup>

Бошқа ҳадисда, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга Арафа қуни Намира деган жойда чодир тикилгани ва у ерда қуёш ботгинча бўлганлари событ бўлган.

Эхромдаги эркакка ҳам аёлга ҳам қуруқлиқдаги жониворларни овлаш, овда ёрдам бериш, ҳайвонни турган жойидан қувиш, никоҳланиш, жимоъ қилиш, аёлларга совчи қўйиш ва шаҳват билан ушлаш ҳаром қилинади. Чунки Усмон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Эхром боғлаган киши ҳеч кимни**

---

<sup>49</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг Ҳаж мабурур бобида 1521-рақам билан, имом Муслим ҳам «Ҳаж» китобининг «Ҳаж ва умра ва Арафа кунининг фазли» бобида 1350-рақам билан ривоят қилган. Наҳл сураси 125-оят.

<sup>50</sup> Сунан Насоий «Мийқотлар» китоби 604.

никоҳига олмайди, ҳеч кимнинг никоҳига ўтмайди ва унаштирилмайди», – деганлар.<sup>51</sup> (Муслим ривояти)

Агар эхром боғлаган киши унутиб ёки билмасдан тикилган кийим кийса, бошини ўраса ёки хушбўйланса фидя тўлаши шарт эмас. Уни билган ёки эсига тушган заҳоти олиб ташлайди. Шунингдек, унутиб ёки билмай сочини қирган, бирор қисмини олган ёки тирноғини олган бўлса ҳам, тўғрироқ сўзга кўра ҳеч нарса тўлаши шарт эмас.

Мусулмон киши эхромда бўлса ҳам, эхромда бўлмаса ҳам, эркак кишими ёки аёл кишими Ҳарам худудидаги жониворларни овлаши, бирор асбоб, ишора ёки шу кабилар билан овлашда ёрдам бериши ҳамда қувиши ҳаромдир. Ҳарамнинг дарахти, яшил ўсимликлари ва йўқолғиларига тегишиш ҳам ҳаром. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу шаҳарни, (яъни Маккани) Аллоҳ таоло қиёмат кунига қадар муқаддас қилди. Дарахти синдирилмайди, ови чўчитилмайди, ўт-ўлани ҳам юлинмайди ва тушиб қолган нарсаси муншиддан

---

<sup>51</sup> Имом Аҳмад «Жаннат билан башорат берилган ўнталик» муснадининг Усмон ибн Аффон муснадида 464-рақам билан ва имом Насойи «Никоҳ» китобининг «Эхром боғлаган киши никоҳдан қайтарилган» бобида 3275-рақам билан ривоят қилган.

ўзгасига ҳаромдир», – деганлар. <sup>52</sup> (Муттафақун алайх)

Муншид - эълон қилувчидир.

Ўт-ўландан мақсад - нам ўт-ўланлар.

Мино ва Муздалифа ҳаром ҳудудига кирса,  
Арафа бу ҳудудга кирмайди.

---

<sup>52</sup> Имом Бухорий «Илм» китобининг «Илмни ёзиш» бобида 112-ракам билан ва имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Макка, унинг ови, ўт-ўлани ва дов-дарахтларининг ҳаромлиги ҳақида» бобида 1355-ракам билан ривоят қилган.

## Боб

# Хожи Маккага кираётиб нима қилиши, Ҳарам масжидига киргач тавоф ва шунга ўхшаш амалларни қандай бажариши ҳақида

Эҳром боғлаган киши Маккага етгач, киришдан олдин Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига мувофиқ ғусл олиши мустаҳаб амалдир. Қачон-ки у Ҳарам масжидига етса, ўнг оёғи билан кириб: «Бисмиллаҳ, вас-солаату вас-салааму ъалаа росулиллаҳ, Аъузу биллаҳи-ъазийм ва биважҳиҳил-карийм, ва султониҳил-қодийм минаш-шайтонир-рожийм, Аллоҳуммаftахли абааба роҳматик» , деб айтиши суннат. <sup>53</sup> Бошқа масжидларга кирганда ҳам ушбу дуони айтади. Билишимча, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан фақат шу масжидга кирганда айтиладиган маҳсус дуо ворид бўлмаган.

Агар таматтуъ ҳажи ёки умрага ният қилган бўлса, каабага етгач талбияни тўхтатади. Сўнгра, қора тош олдига бориб унга қарайди. Сўнгра, ўнг қўли билан ушлайди ва агар иложи бўлса одамларга

---

<sup>53</sup> Саҳиҳ Муслим «Мусоғирнинг намози ва қаср қилиши» 713, сунан Насойи «Масжидлар» 729, сунан Абу Довуд «Намоз» 465, сұна Ибн Можа «Масжидлар ва жамоатлар» 772, муснад Аҳмад ибн Ҳанбал 5/425, сунан Доримий «Намоз» 1394.

озор бермасдан тошни ўпади. Ўпаётган вақтда «Бисмиллах, Аллоҳу акбар» ёки «Аллоҳу акбар», дейди. Агар ўпа олмаса, қўли ёки ҳассасини теккизади ва тегизган нарсасини ўпади. Агар ушлашнинг ҳам иложи бўлмаса, унга ишора қиласида ва «Аллоҳу акбар» дейди. Нима билан ишора қилишидан қатъий назар, уни ўпмайди.

Кишининг тавофи қабул бўлиши учун, у катта ва кичик таҳоратсизликдан пок бўлиши шарт. Чунки тавоф унда гапиришликга рухсат берилганини эътиборга олмаса худди намознинг ҳукмини олади. Тавоф қилаётиб Байтуллоҳни чап томонида қиласида. Тавоф бошида: «Аллоҳумма ийманан бика ва тасдийқон бикитабика ва вафааъан биъаҳдика, ваттибааъан ли суннати набиййика Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам», деса яхши амалдир. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу амал ривоят қилинган. Байтуллоҳни етти марта тавоф қиласида. Фақат умра, таматтуть, ифрод ёки умра ва ҳажни жамлашни ният қилган бўлса ҳам, Маккага биринчи кирганда бажарадиган тавофининг аввалги учтасида тез-тез майда қадам ташлаб юради. Қолган тўрттасида эса, оддий юраверади. Ҳар бир айланишни Ҳажарул асваддан бошлаб, унда тугатади.

Ромал: Майда қадам билан тез-тез юришдир. Бу тавоғнинг барчасида изтибоъ қилиш мустаҳаб.

Изтибоъ: Ридонинг ўнг томонини елкасининг остига киргизиб икки томонини чап елкасига ташлаб олишдир. Агар неча марта айланганини эсдан чиқариб қўйса, эслаганидан, камроғидан бошлаб тавоғни давом эттиради. Яъни, учинчи ёки тўртинчи марта айлангани ҳақида шубҳа тўғилса, учта деб ҳисоблайди. Саъйга чиққандა ҳам худди шундай қиласи.

Тавоғ қилиб битгач тавоғнинг икки ракат намозини ўқишидан олдин ридоси билан икки елкасини ёпади.

Аёлларни зийнат, хушбўй ҳидлар билан ва авратларини ёпмай тавоғ қилишдан қайтариш керак, чунки улар авратдан. Улар тавоғ ҳамда аёллар ва эркаклар араласиб юрадиган ҳолатларда ёпиниб юришлари, зийнатланмасликлари вожиб. Чунки булар номаҳрамлар учун аврат ва фитнадир. Аёлнинг юзи энг кучли зийнат бўлиб,

Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзига кўра маҳрам бўлмаганларга кўрсатиши мумкин эмас:

{وَلَا يُبَدِّيْنَ زِيَّتَهُنَّ إِلَّا لِبُغْلَتَهُنَّ}

## **«Зийнатларини эрларидан бошқалариға күрсатмасынлар..!»<sup>54</sup>**

Агар аёллар қора тошни ўпаётганларида эркакларнинг уларга назари тушса, юзларини очишлари мумкин эмас. Агар қора тошни ушлашга ва уни ўпишга жой бўлмаса, эркаклар билан тиқилиш мумкин эмас. Аксинча, орқаларида туриб тавоф қилишлари керак. Каабага яқин жойда эркаклар билан тиқилишиб тавоф қилгандан қўра, узоқроқда тавоф қилгани яхшироқ. Ромал ва изтибоъ, шу тавофдан бошқасида ҳам, саъйда ҳам машруъ қилинмаган. Аёлларга тавофда ромал ва изтибоъ машруъ эмас. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келганларидаги биринчи тавофидағина ромал ва изтибоъ қилганлар. Тавофни бетаҳоратлик ва нажаслардан пок бўлиб, Аллоҳ таолога хузуъ ва ҳокисор ҳолида бажаради.

Тавоф пайтида Аллоҳ таолонинг зикри ва дуони кўпайтириш мустаҳаб. Қуръон ўқиса ҳам яхши. Тавоф, саъй ёки шунга ўхшаш бошқа амалларда маҳсус бир зикрни айтиш шарт эмас.

Ҳозирги кунда баъзи одамларнинг ҳар бир тавофда маҳсус зикрлар ва маҳсус дуоларни

---

<sup>54</sup> Нур сураси 31-оят.

айтишларининг далили йўқ. Аксинча, қанча зикр ва дуо қилса ўша етарли. Агар Яманий устун олдидан ўтса, «Бисмиллаҳ, Аллоҳу акбар» дейди, лекин ўпмайди. Агар силаш қийин бўлса, уни тарк қиласди ва ҳар ўтганда ишора қилиб такбир ҳам айтмайди. Аксинча, тавофида давом этади. Чунки билишимизча, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу нарса ворид бўлмаган. Яманий устун ва қора тош ўртасида:

{رَبَّنَا آتَنَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةٌ وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ}

**«Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин»,<sup>55</sup>** деб айтиш мустаҳаб. Ҳар сафар қора тошнинг олдидан ўтган вақтида уни силайди, ўпади ва «Аллоҳу акбар» дейди. Агар ушлаш ва ўпиш қийин бўлса, ҳар ўтганда такбир айтади.

Замзам ва Мақом орқасидан тавоғ қилиш жоиз. Айниқса тиқилинч пайтида айни муддао. Масжиднинг барча қисми тавоғ учун макондир. Масжид томида тавоғ қилса ҳам жоиз, лекин, каабага яқинроқ жойда тавоғ қила олса ўша афзал.

---

<sup>55</sup> Бақара сураси 201-оят.

Тавофни тамомлагандан сўнг, иложи бўлса Мақом орқасида икки ракат намоз ўқийди. Агар тиқилинч ва шу каби нарсалар сабабли Мақом орқасида ўқишнинг иложи бўлмаса, масжиднинг бошқа жойида ўқийверади. Намозда фотиҳадан сўнг биринчи ракатда

{فُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ} <sup>56</sup>

«Кафирун» сурасини, иккинчи ракатда эса «Ихлос» сурасини ўқиш суннат ва афзал. Бошқа сураларни ўқиса ҳам зарари йўқ. Сўнгра иложи бўлса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилган ҳолда қора тошни силайди.

Сўнгра Сафога униг эшигидан чиқади ёки олдига бориб туради. Иложи бўлса сафога чиққан афзал. Юришни бошлаганда Аллоҳ таолонинг:

{إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ} <sup>57</sup>

**«Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳ(дини)нинг белгиларидандир»,<sup>57</sup> оятини тиловат қиласи.**

Сафога чиққач, қибла томонга бурилиб Аллоҳга ҳамд, такбир ҳамда «Лаа илааҳа иллаллоҳ валлоҳу акбар, лаа илааҳа иллаллоҳ вахдаҳу лаа шарийкалаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамд, йўхий ва йўмийт вахӯва

---

<sup>56</sup> Кафирун сураси

<sup>57</sup> Бақара сураси 158-оят.

ъала кўлли шайъин қодийр, лаа илааҳа иллаллоҳу вахдаҳ, анжаза ваъдаҳ ва насоро ъабдаҳ ва ҳазамал-аҳзааба ваҳдаҳ»,<sup>58</sup> деб айтиш мустаҳаб.

Маъноси: «Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. У шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уницидир ва У барча нарсага қодир. Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. У ваъдасининг устидан чиқди, бандасини ғолиб этди, гурухларни ёлғиз Ўзи мағлуб қилди». Сўнгра қўлини кўтариб, қўлидан келгунча дуо қилади. Ушбу зикр ва дуони уч марта қайтаради. Сўнгра Сафодан тушиб Марво томон йўл олади. Биринчи белгига етгач, иккинчи белгигача эркак киши тез юради. Аммо аёллар икки белги орасида тезлашиши машруъ эмас, чунки у аврат ҳисобланади. Аёл кишига машруъ қилинган нарса, саъй пайтида тўлиқ юришдир. Сўнгра Марва тоғига чиқади ёки олдида туради, иложи бўлса, устига чиқиши афзал. Сафо тоғида нима қилган ва нимани айтган бўлса, Марва тоғида ҳам шуларни бажаради ва айтади. Фақатгина, Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзини ўқимайди:

---

<sup>58</sup> Саҳиҳ Бухорий «Ҳаж» китоби 1785, саҳиҳ Муслим «Ҳаж» китоби 1218, сунан Абу Довуд «Маносик» китоби 1905, Аҳмад ибн Ҳанбал муснади 3/321, сунан Доримий «Маносик» китоби 1850.Бакара сураси 158-оят.Шунга ўхшашини имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Наҳр куни жамратул ақобада уловга минган ҳолда (тош) отишнинг мустаҳаблиги ҳақида» бобида 1297-рақам билан ривоят қилган.

**«Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳ(дини)нинг белгилариданdir».** Бу фақатгина Сафо тоғига биринчи чиқаётганда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлари учун айтилади. Сўнгра ундан тушиб Сафо тоғига етгунча юрадиган ерда юради ва тезлашадиган ерда тезлашади. Шу нарсани етти марта такрорлайди. Сафодан Марвога бориши бир мартага, ундан Сафога қайтиши иккинчиси бўлиб ҳисобланади. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам зикр қилинган нарсаларни бажариб шундай деганлар: «Ҳаж амалларингизни мендан ўрганиб олинглар». Зикр ва дуони саъй пайтида қўпайтириш ва катта кичик бетаҳоратликдан пок бўлиши мустаҳаб. Агар бетаҳорат саъй қилса, жоиз. Шунингдек, аёл киши тавофдан кейин ҳайз кўрса ёки нифос келса, саъй қилиши жоиз. Чунки саъй пайтида таҳорат шарт эмас, мустаҳабдир.

Саъйни тамомлагач, сочини қисқартиради ёки қиради. Эркак киши қириши афзал. Агар қисқартириб, қиришни ҳаж амалига олиб қўйса, у ҳам яхши. Агар Маккага ҳаж вақтига яқин келган бўлса, қисқартиргани яхшироқ. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари Зулҳижжа ойининг тўртинчи куни келганларида

ўзи билан қурбонлик олиб келмаганларни сочини қиришга эмас, қисқартиришга буюрганлар. Сочининг барчасини қисқартириши керак. Сочининг баъзи ўринларини қириб, баъзи ўринларини тарқ қилиш кифоя қилмагани каби, баъзи жойларини қисқартириб, баъзиларини қисқартираслик ҳам кифоя қилмайди. Аёл киши фақатгина қисқартириши машруъ. Ҳар бир ўрим сочидан бир унмула ёки ундан озроқ кесиши машруъ.

Унмула: бармоқ учининг бир бўғини. Аёл киши сочидан унмуладан ошиқ олмайди.

Агар эҳром боғлаган киши айтилган нарсаларни бажарган бўлса, эҳроми тамомига етди. Энди унга эҳром сабабидан ҳаром бўлган барча нарса ҳалол бўлади. Фақатгина, ўзи билан ташқаридан қурбонлик олиб келганлар ҳаж ва умра тўлиқ тамомига етгунига қадар эҳромларида қоладилар.

Кимки фақат ҳажга ёки ҳаж билан умрани жамлаган ҳолда эҳром боғлаган бўлса, эҳромини умрага хослаши суннат. Агар ўзи билан қурбонлик олиб келмаган бўлса, таматтуъ қилган киши каби қиласди. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларини буюриб шундай деганлар: «Агар мен

ҳам қурбонлик олиб келмаганимда, сизлар билан бирга эхромдан чиққан бўлар эдим». <sup>59</sup>

Агар аёл киши умрага эхром боғлагач ҳайз кўрса ёки нифос келса, покланмагунча тавоф ҳам, Сафо ва Марвада саъй ҳам қилмайди. Пок бўлгач, тавоф ва саъй қилади ҳамда сочини қисқартиради. Шу билан унинг умраси тамомига етади. Тарвия куни келгунча покланмаса, турган маконидан ҳажга эхром боғлаб одамлар билан Минога чиқади. Шундай қилиб ҳаж билан умрани қирон (яъни бир эхром боғлаганда иккита ибодатни) қилган бўлади. Ҳожилар каби арафада ва Машъарул ҳаромда туради, жамаротда тош отади, Муздалифа ва Минода тунайди, қурбонлик сўяди ва сочини қисқартиради. Сўнгра пок бўлгач, Байтуллоҳни бир марта тавоф ҳамда Сафо ва Марва тоғини бир марта саъй қилади. Манашу битта тавоф умраси ва ҳажига кифоя қилади. Чунки, Оиша разияллоҳу анҳо умрага эхром боғлагач ой кўрганларида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳожилар нима қилса, ўшани

---

<sup>59</sup> Имом Аҳмад «Кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар» муснадининг Анас ибн Молик муснадида 12039рақам билан ва имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Ҳайз кўрган аёл тавофдан ташқари барча маносикларни бажариши» бобила 1651-рақам ривоят қилган.

қилавер! Фақат Байтұллоҳни пок бўлгунингча тавоғ қилмай тур», – деганлар.<sup>60</sup> (Муттафақун алайҳ)

Агар ой кўрган ёки нифоси келган аёллар нахр куни жамаротда тош отса ва сочини қисқартирса унга эҳром сабабли ҳаром бўлган хушбўйланиш ва шу каби барча нарсалар ҳалол бўлади. Фақатгина, то бошқа аёллар каби пок бўлгунча эрига яқинлашиш ҳаром бўлиб қолади. Пок бўлгач, тавоғ ва саъй қилса, эрига яқинлашиш ҳалол бўлади.

---

<sup>60</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Ҳайз кўрган аёл удумларнинг тавофдан ташқари барчасини бажаради» бобида 1650-рақам билан ва имом Муслим ҳам «Ҳаж» китобининг «Эҳром турларининг баёни» бобида 1211-рақам билан ривоят қилган.

## **Боб**

### **Зулҳижжанинг саккизинчи куни ҳажга эҳром боғлаш ва Минога чиқиши ҳақида**

Зулҳижжанинг саккизинчи куни бўлмиш тарвия куни келса, Маккага ҳаж учун келганлар ва ўша ерда яшовчилар уйларидан эҳром боғлашлари мустаҳаб. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари ҳажга келганларида Абтуҳда яшаганлар ва У зотнинг буйруқлари сабабли ўша ердан эҳром боғлаганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни Байтуллоҳга ёки унинг тарновини остига бориб эҳром боғлашга буюрмадилар. Шу билан бирга Минога чиқишдан олдин видолашув тавофига ҳам буюрмаганлар. Агар машруъ бўлганда, уни ўргатган бўлар эдилар. Яхшиликнинг барчаси Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у зотнинг асҳобларига эргашишдадир.

Мийқоттан ҳажга эҳром боғлаётганда ғусл олганидай ғусл олиши, покланиши ва хушбўйланиши мустаҳаб. Ҳажга эҳром боғлагач тарвия куни қуёш осмоннинг қоқ ўртасига етгунича ёки етгач Минога чиқиши ҳамда Жамротул ақобада тош отгунча талбияни кўпайтириш ҳожиларга нисбатан суннат. Шундай қилиб, Минода пешин,

аср, шом, хуфтон ва бомдод намозларини ўқийди. Ҳар бир намозни ўз вақтида қаср қилиб жам қилмасдан ўқиш суннат. Шом ва бомдод эса қаср қилинмайди.

Макка аҳли билан бошқаларнинг фарқи йўқ. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мино, Арафа ва Муздалифада барчага имом бўлиб бир хил қаср намоз ўқиганлар. Макка аҳлини намозни тўлиқ ўқишга буюрмаганлар. Агар улар тўлиқ ўқишлари вожиб бўлганда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам баёнлаб берган бўлардилар.

Ҳожи Арафа куни қуёш чиқғач Минодан Арафага отланади. Агар иложи бўлса Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш осмоннинг қоқ ўртасига қелгунча Намирова турганлари каби ўша ерда туриш суннатдир.

Қуёш осмоннинг қоқ ўртасидан оғгач, имом ёки унинг ноиби ҳолатга муносиб ҳолда хутба қилиши суннат. У хутбада ҳожи ўша куни ва ундан кейинги кунларда нима қилишини баёнлаб беради. Барча амалларда Аллоҳга тақво ва ихлос қилишга ҳамда Уни яккалашга буюради. Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳнинг суннатларини маҳкам ушлашга, у билан ҳукм қилишга, барча ишларида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилган

ҳолда Аллоҳ ва расулининг ҳукмини бажаришга буюради. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам каби пешин ва асрни биринчи вақтида битта аzon ва иккита иқома билан ўқишади. Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анхудан ривоят қилган.

Сўнгра ҳожилар Арафада турадилар. Арафанинг барчаси мавқифдир (яъни турса бўладиган жой) фақат, Батну Урона бундан мустасно. Иложи бўлса қиблага ва Раҳма тоғига юзланади. Агар иккаласига юзланишни иложи бўлмаса, қибланинг ўзига юзланади. Бу жойда ҳожи Аллоҳни зикр қилиши, қўлини кўтариб ва ёлвориб У Зотга дуо қилиши мустаҳабдир. Агар Қуръон ўқиса ёки талбия айтса, бу ҳам яхши. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилингани каби «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийкалаҳ лаҳул-мулку валаҳул-ҳамду йўхъи ва йўмийт. Ва ҳува ъала кўлли шайъин қодийр», деб айтиш суннат.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энг яхши дуо Арафа кунининг дуоси. Мен ва мендан олдинги пайғамбарлар айтган энг яхши зикр: «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийкалаҳ лаҳул-мулку

валахул-ҳамду йўхий ва йўмийт. Ва хува ъала кўлли шайъин қодийр», – деганлар.<sup>61</sup>

Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ ҳадисда ривоят қилинганки: «Аллоҳга энг ёқимли сўзлар тўрттадир: «Субҳааналлоҳ, валҳамду лиллаҳ, валаа илааҳа иллаллоҳ, валлоҳу акбар».

Бузикрни қалбда ҳозир тутиб, хушуъ билан кўп-кўп такрорлаши керак. Ундан ташқари бошқа вақтларда айтиладиган, шариатда ворид бўлган дуоларни кўпайтириши керак. Хусусан, ушбу ўринда, ушбу улуғ кунда ўзида кўп маъноларни жамлаган зикр ва дуоларни танлаши лозим.

Улардан: «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи ва субҳааналлоҳил-ъазийм».

Маъноси: «Аллоҳни ҳамд айтиш ва улуғлаш билан поклайман».

«Лаа илааҳа илла анта субҳаанака инни кунту миназ-золимиин».

---

<sup>61</sup> Имом Тирмизий «Дуолар» китобининг «Арафа қунининг дуоси» бобида 3585-рақам билан ривоят қилган. Имом Муслим «Одобрлар» китобининг «Қабиҳ исмлар билан аташининг кароҳияти бобида 2137-рақам билан ривоят қилган.

Маъноси: «Сендан ўзга илоҳ йўқ, сени (айбу нуқсонлардан) поклайман. Дарҳақиқат, мен золимлардан бўлдим».

«Лаа илааҳа иллаллоҳ, валаа наъбду иллаа иййаах, лаҳун-неъмату ва лаҳул-фадл ва лаҳус-санаул-ҳасан, лаа илааҳа иллаллоҳу муҳлисийна лаҳуд-дина валав кариҳал-каафирун».

Маъноси: «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, фақатгина У Зотга ибодат қиласиз, неъмат Уники, фазилат Уники ва яхши сано Уники, гарчи кофирлар ёқтирмасалар ҳам, Аллоҳга динни холис қилган ҳолда (ибодат қиласиз) Ундан ўзга ҳақ илоҳ йўқ».

«Лаа ҳавла валаа қуввата илла биллааҳ».

Маъноси: «Аллоҳдан ўзгада на қуч ва на ҳолатни ўгартира олишга қудрат йўқ».

«Роббанаа аатинаа фид-дуня ҳасанаҳ ва фил аахироти ҳасанаҳ ва қинаа азаабан-наар».

Маъноси: «Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин».

«Аллоҳумма аслиҳ лии дийний ал-лазии ҳува исмату амри ва аслиҳли дунйаайаа ал-лати фииҳаа маъааший, ва аслиҳ лий аахиротий, ал-латии

фииҳаа маъаадий. Важъалил-ҳаяаата зиядатан лии фии кулли хойр вал-мавта рооҳатан мин кулли шарр».

Маъноси: «Аллоҳим! Борлиғимнинг асоси бўлган динимни ислоҳ қилгин. Тирикчилигим бўлган дунёимни ислоҳ қилгин. Қайтар жойим бўлган охиратимни ислоҳ қилгин. Ҳаётни мен учун барча яхшиликларнинг зиёда бўлишига сабаб қилгин, ўлимни эса мен учун барча ёмонликлардан халос қилувчи роҳат қилгин».

«Аъуузу бил-лаҳи мин жаҳдил-балааъ, ва дарокиш-шақооъ, ва сууъил-қодоъ ва шамаататил-аъдааъ».

Маъноси: «Аллоҳим! Балонинг машаққатидан, бахтсизлик етишидан, ёмон қисматдан ва ғанимларнинг шодланишидан паноҳ беришингни сўрайман».

«Аллоҳумма инни аъуузу бика минал-ҳамми вал-ҳазан, ва минал-ъажзи вал-касал, ва минал-жубни вал-буҳл, ва минал-маъсами вал-мағром, ва мин-ғолабатиддайни ва қоҳрир-рижаал. Аъуузу бика Аллоҳумма минал-барос вал-жуунуун вал-жузаам ва мин саййиъил-асқоом.

Маъноси: «Аллоҳим! Ғам-ғусса, маҳзунлик, ожизлик, дангасалик, қурқоқлик, баҳиллик, гуноҳ, тўлай олмайдиган қарз, қарзлар ғолиб келиши ва эркаклар қаҳридан паноҳ беришингни сўрайман. Аллоҳим! Моҳов, жиннилик, жузам ва бошқа ёмон касалликларидан паноҳ беришингни сўрайман».

«Аллоҳумма инни асьалукал-ъафва вал-аафията фид-дунйаа вал-аахироҳ».

Маъноси: «Аллоҳим мен сендан дунё ва охиратда авф ва оғият сўрайман».

Аллоҳумма инни асьалукал-ъафва вал-ъафията фии дийний ва дуняайаа ва аҳлии ва маалии.

Маъноси: «Аллоҳим! Мен сендан диним, дунёим, аҳлим, молимда авф ва оғийт беришингни сўрайман».

«Аллоҳумма-стур ъавротий ва аамин ровъаатий вахфазнин мин байна ядайя ва мин холфии ва ъан йамиинин ва ъан шимаалии ва мин фавқии ва аъзуу биъазоматика ан уғтаала мин таҳтии».

Маъноси: «Аллоҳим! Менинг авратимни беркит! Қўрқувимдан омонлик бер, кетказ! Аллоҳим! Мен олдимдан ҳам, ортимдан ҳам, ўнгимдан ҳам, чапимдан ҳам, тепамдан ҳам, Ўзинг сақла! Оёғим

остидан ҳиёнатга учрашдан Сенинг улуғлигингла паноҳ сўрайман».

«Аллоҳуммағfir лии хотийатии ва жаҳлии ва исрофии фии амрии ва маа анта аъламу биҳии минний»

Маъноси: «Аллоҳим! Ҳатойимни, билмаганимни, ишларимдаги исрофимни ҳамда мендан кўра сен яхшироқ билган гуноҳларимни мағфират қилгин».

«Аллоҳуммағfir лии жаддии ва ҳазлии ва хотоии ва амдии ва куллу заалика ўиндии»

Маъноси: Аллоҳим! Жиддий ва ҳазил қилиб қилганларимни, хато ва қасддан қилганларимни мағфират қилгин — буларнинг ҳаммаси менда бор.

«Аллоҳумма, иғfirлий ма қоддамту ва маа аҳҳорту, ва маа асрорту ва маа аъланту, ва маа анта аъламу биҳии минний. Антал-Муқоддиму ва антал-Муаххир, ва анта ўалаа кулли шайъин қодийр!».

Маъноси: Аллоҳим! Менинг аввалги ва кейинги, яширин ва ошкор гуноҳларимни ва Сен мендан кўра яхши биладиган гуноҳларимни мағфират қилгин. Сен Муқаддимсан, Сен Муаххирсан. Сен ҳар нарсага қодирсан».

Аллоҳумма инни асъалукас-саббата фил-амр,  
вал-ъазиймата фир-рушд, ва асъалука шукро  
ниъматик, ва ҳусна ъибаадатик. Ва асъалука қолбан  
салииман ва лисаанан содиқо. Ва асъалука хойро ма  
таъlam ва аъзуу бика мин шарри мaa таъlam. Ва  
астағфирука лимаа таъlam. Иннака анта ъалламул-  
ғуйууб.

«Аллоҳумма роббан-набийийи Мұхаммадин  
алайҳиссолаату вас салаам, иғfir лии занбии ва  
азҳиб ғойзо қолбии ва аъизни мин музиллаатил-  
фитан мaa абқойтаний».

Маъноси: «Аллоҳим! Мұхаммад соллаллоху  
алайҳи ва салламнинг Рабби! Гунохимни кечир,  
қалбимдаги ғазабни кетказ! Тирик эканман,  
залолатга олиб борувчи фитналардан сақлагин!».

\* «Аллоҳумма, Робас-самааваати ва Роббал-арди  
ва Роббал-Аршил-азим, Роббанаа ва Робба кулли  
шай, Фаалиқул-ҳабби ван-наваа, ва Мунзилат-  
Таврооти вал-Инжили вал-Фурқон! Аъуузу бика  
мин шарри қулли шайъин анта аахизун  
бинаасиятиҳи. Аллоҳумма антал-Аввалу ва лайса  
қоблака шай, ва Антал-Аахиру фа лайса баъдака  
шай. Ва антаз-Зооҳиру фа лайса фавқока шай, ва  
антал-Баатину фа лайса дуунака шай! Иқди аннид-  
дайна ва ағнинии минал-фақр».

Маъноси: «Аллоҳим, эй осмонларнинг Рабби, ернинг Рабби ва улуғ Аршнинг Рабби! Эй бизнинг Раббимиз ва барча нарсанинг Рабби! Эй донни ҳам, данакни ҳам ёрувчи! Эй Таврот, Инжил ва Фурқонни нозил қилган Зот! Мен Сендан Ўзинг пешонасидан тутувчи ҳар нарсанинг шаридан паноҳ тилайман. Аллоҳим! Сен Аввалдирсан, сендан аввал ҳеч нарса йўқ! Сен Охирдирсан, Сендан кейин ҳеч нарса йўқ! Сен Зоҳирдирсан, Сенинг тепангда ҳеч нарса йўқ! Сен Ботиндирсан, (яқиндирсан) Сендан яқин ҳам ҳеч нарса йўқ! Бизни қарзларимиздан халос қилиб фақирлиқдан қутқар!»

Аллоҳумма аъти нафси тақвааҳаа ва заккиҳаа Анта хойру ман заккааҳаа, анта валиййуҳаа ва мавлааҳаа, Аллоҳумма инни аъуузу бика минал-тажзи вал-касал. Ва аъуузу бика минал-жубни вал-хароми вал-бухл, ва аъуузу бика мин ъазаабил-қобр».

Маъноси: «Аллоҳим! Нафсимга тақво бер. Уни поклагин Сен энг яхши Покловчисан. Сен унинг валийси ва мавлосисан. Аллоҳим! Ожизлиқдан ва дангасалиқдан паноҳ беришингни сўрайман. Ҳамда қўрқоқлик, ёмон қарилик ва баҳиллиқдан паноҳ сўрайман. (Аллоҳим!) Қабр азобидан паноҳ беришингни сўрайман».

«Аллоҳумма лака асламту, ва бика ааманту, ва ъалайка таваккалту, ва илайка анабту, ва бика хоосомту. Аъуузу биъizzатика ан тузиллани. Лаа илааҳа иллаа ант. Антал-ҳаййул-лазии лаа ямуут, вал-жинну вал-инсу ямуутуун».

Маъноси: «Аллоҳим сенга таслим бўлдим, сенга иймон келтиридим, сенга тавакқул қилдим, сенга инобат қилдим, сен учун баҳслашдим. Азизлигингни ўртага қўйиб сўрайманки, менга адашишдан паноҳ бергин. Сендан ўзга илоҳ йўқ, ўлмайдиган тирик Зотсан. Инсу жинлар ўладилар».

«Аллоҳумма иннии аъуузу бика мин ъилмин лаа янфаъ, ва мин қолбин лаа яхшаъ, ва мин нафсин лаа ташбаъ, ва мин даъватин лаа йустажабу лаҳаа».

Маъноси: «Аллоҳим! Фойда бермайдиган илмдан, қўрқмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан, ижобат бўлмайдиган дуодан паноҳ беришингни сўрайман».

«Аллоҳумма жаннибний мункароотил-ахлаақ вал-аъмаал, вал-аҳваа вал-адваа».

Маъноси: «Аллоҳим! Мункар ахлоқлар, амаллар, ҳаваслар ва касалликлардан паноҳ бергин».

«Аллоҳумма алҳимни рушдии, ва аъизни мин шарри нафсии».

Маъноси: «Аллоҳим! Мени тўғри йўлга илҳомлантири ва нафсимни ёмонлигидан сақлагин».

«Аллоҳуммакфинии биҳалаалика ъан ҳароомик, ва ағнинии бифадлика ъамман сиваак».

Маъноси: «Аллоҳим ҳалолинг билан ҳаромингдан кифоя қилгин ва ўз фазлинг билан бошқалардан беҳожат қилгин».

«Аллоҳумма инни асъалукал-ҳудаа ват-туқоо вал-ъафаафа вал-ғинаа».

Маъноси: «Аллоҳим! Мен сендан ҳидоят, тақво, оғият ва бойлик беришингни сўрайман».

«Аллоҳумма инни асъалукал-ҳудаа вас-садаад».

Маъноси: Аллоҳим! Мен сендан ҳидоят ва тўғри йўл сўрайман».

«Аллоҳумма инни асъалука минал-хойри куллиҳ, ъаажилиҳи ва аажилиҳ, мaa ъалимту минҳу ва мaa лам аълам, ва аъуузу бика минаш-шарри куллиҳ, ъаажилиҳи ва аажилиҳ мaa ъалимту минҳу ва мaa лам аълам. Ва асъалука мин хойри мaa саъалака минҳу ъабдука ва набиййўка Муҳаммадун соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ва аъуузу бика мин шарри мас-таъаза минҳу ъабдука ва набиййўка Муҳаммадун соллаллоҳу алайҳи ва саллам».

Маъноси: «Аллоҳим! Мен Сендан яхшиликнинг барчасини сўрайман. Тез келадиганини ҳам, кечга қоладиганини ҳам. Ўзим биладиганимни ҳам, билмайдиганимни ҳам. Аллоҳим! Мен Сендан ёмонликнинг ҳаммасидан паноҳ сўрайман. Тез келадиганидан ҳам, кечга қоладиганидан ҳам. Ўзим биладиганимдан ҳам, ўзим билмайдиганимдан ҳам. Аллоҳим, мен Сендан пайғамбаринг Расули Акрам Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам сўраган нарсанинг энг яхисини сўрайман. Аллоҳим, мен Сендан пайғамбаринг Расули Акрам Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам паноҳ сўраган ёмонликлардан паноҳ тилайман».

«Аллоҳумма инни асьалукал-жаннати ва маа қорроба илайҳа мин қовлин ав ъамал. Ва аъузу бика минан-наари ва маа қорроба илайҳа мин қовлин ав ъамал. Ва асьалука ан тажъала кулла қодооин қодойтахуу лии хойрон».

Маъноси: «Аллоҳим, мен Сендан жаннатни ва унга яқинлаштирадиган ҳар қандай сўз ёки амал сўрайман. Аллоҳим, мен Сендан дўзахдан ва унга яқинлаштирадиган ҳар қандай сўз ёки амалдан паноҳ беришингни сўрайман. Аллоҳим, мен учун қандай ҳукм қилган бўлсанг, унинг оқибатини мен учун яхши қилгин».

«Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийкалаҳ лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамд, йўҳий ва йўмийт, биядиҳил-хойру ваҳува ъала кулли шайъин қодийр. Субҳааналлоҳи валҳамдулиллаҳ, ва лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Валаа ҳавла валаа қуввата иллаа биллаҳил-ъалийил-ъазийм».

Маъноси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ягона, шериги йўқ. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уницидир. Тирилтиради ва ўлдиради, барча яхшилик Унинг қўлида ва У барча нарсага қодир. Аллоҳ барча нуқсондардан пок, ҳамд Уницидир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Аллоҳ буюқ, Олий ва Улуғ Аллоҳдан ўзгада куч ҳам ҳолатни ўзгартиришга қудрат ҳам йўқ».

«Аллоҳумма солли ъалаа Муҳаммад ва ъалаа аали Муҳаммад, камаа соллайта ъалаа Иброҳийма ва ъалаа аали Иброҳийма, иннака ҳамийдун-мажийд. Ва баарик ъалаа Муҳаммадин ва ъалаа аали Муҳаммад, камаа баарокта ъалаа Иброҳийма ва ъалаа аали Иброҳийма иннака ҳамийдун-мажийд».

Маъноси: «Эй Аллоҳим! Иброҳимга ва унинг оиласи-умматига раҳмат этганинг каби Муҳаммадга ва унинг оиласи-умматига ҳам раҳм қил. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан. Иброҳимга ва унинг оиласи-умматига баракот-хайр ато этганингдек Муҳаммадга ва унинг оиласи-

умматига ҳам баракот-хайр ато эт. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан».

\*

{رَبَّنَا أَتَنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقَنَا عَذَابَ النَّارِ}

**«Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах олови азобидан сақлагин».<sup>62</sup>**

Хожи шундай улуғ жойда турар экан, юқорида зикр қилинган дуо-зикрларни ва уларнинг маъносига ўхшаш бошқа зикрларни такрорлаши ҳамда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиши, дуода ёлвориши, дунё ва охират яхшиликларини сўраши мустаҳаб. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар дуо қилсалар дуоларини уч марта такрорлар эдилар. Бу нарсада Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш лозим.

Мусулмон киши бундай улуғ ерда Раббига бошини эгиб, камтарин ва итоаткор ҳолида Аллоҳ таолонинг хузурида ўзини ҳокисор тутади. Унинг раҳмати ва мағфиратини умид қилиб, азоби ва ғазабидан қўрқиб, ўзини ҳисоб-китоб ҳамда чин юракдан тавба қилган ҳолда туради. Чунки бу улуғ

---

<sup>62</sup> Бақара сураси 201-оят

кун, катта йиғилиш жойи. Аллоҳ таоло бу кунда бандаларига саҳийлигини күрсатадиган, фаришталарига улар билан мақтанадиган, дўзахдан озод бўладиганлар кўпаядиган кун. Шайтон арафа кунидаги каби ҳеч қайси кунда бунчалик мағлуб, кичик, ҳақир бўлмаган, магарам, бадр куни бундан мустасно. Шайтоннинг бунчалик хўр бўлишининг сабаби, Аллоҳ таолонинг бандаларига ниҳоятда саҳийлиги, бандаларини дўзахдан озод қилиши ва уларни мағфират қилишини кўришидир.

Саҳихи Муслимда Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Арафа куничалик Аллоҳ таоло бандаларни дўзахдан кўп озод қиладиган қун йўқ. У Зот (Арафа куни Арафотдагиларга) яқинлашади ва улар билан фахрланиб, фаришталарга: «Булар нимани исташяпти», дейди». <sup>63</sup>

Мусулмонлар Аллоҳ таолога ўзларидан яхши хислатларни кўрсатишлари керак. Кўпроқ зикр, дуо, тавба ҳамда барча хато ва гуноҳларига истиғфор айтиш билан душманлари бўлмиш шайтонни хўрлашлари, хафа қилишлари керак. Ҳожилар бу улуғ жойда қуёш ботгунга қадар зикр ва дуолар

---

<sup>63</sup> Имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Ҳаж, умра ва Арафа кунининг фазли» бобида 1348-рақам билан ривоят қилган.

билин машғул бўлиб турадилар. Қуёш ботгач, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилганлари каби сакинат ва виқор билан Муздалифага чиқадилар, талбияни кўпайтирадилар, кенгроқ жой топишга шошиладилар. Қуёш ботишидан олдин Арафадан кетиш мумкин эмас. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш ботгинга қадар турганлар ва шундай деганлар: «Ҳаж амалларингизни мендан ўрганиб олинглар».<sup>64</sup>

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига мувофиқ Муздалифага етгач у ерда Шомни уч ракат, Хуфтонни икки ракат қилиб битта аzon ва икки иқома билан ўқийдилар. У ерга шом вақтида етадими ёки ҳуфтон вақтида етадими фарқи йўқ.

Баъзи авом одамлар Муздалифага етишлари билан намоз ўқишдан аввал Жамарот учун тош териши ва бу амални машруъ деб эътиқод қилишлари хато бўлиб, унинг шариатда далили йўқ. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам фақатгина машъарул ҳаромдан Минога йўл олганларида тош йиғиб беришга буюрганлар. Қаердан тош териб олса ҳам жоиздир. Тошни фақат Муздалифадан

---

<sup>64</sup> Имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Наҳр куни жамратул-акабада уловда туриб тош отиш мустаҳаблиги» бобида 1297-рақам билан ривоят қилган.

олиш шарт әмас. Аксинча, Минодан ҳам олиши мүмкін. Набий соллаллоху алайҳи ва салламга иқтидо қылған ҳолда Жамратул ақобада отиш учун еттитагина тош териб олиши суннат. Қолған уч күн эса, уччала жамаротдан отиши учун Минодан ҳар күн йигирма битта тош териб олади.

Тошни ювиш мустаҳаб әмас, аксинча, ювмасдан отади. Чунки ювиш Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ва асҳобларидан нақл қилинмаган. Шунингдек, бир марта отган тошини қайтадан отмайди.

Шундай қилиб, ҳожи ўша туни Муздалифада тунайди. Оиша, Умму Салама ва бошқа саҳобаларнинг ҳадисларига кўра, заиф аёллар, болалар ва шу каби узрли инсонлар Минога туннинг охирги қисмида йўл олишлари жоиз. Аммо бошқа ҳожилар Бомдод намозини ўқигунларича Муздалифада туришлари таъкидланган. Сўнгра машъарул ҳаромда күн ёришгунча қиблага юзланиб. Аллоҳни зикр қилиб, Унга такбир айтиб дуо қилиб туришади. Бу ерда дуо қилаётганда қўлни кўтариш мустаҳаб. Муздалифанинг қаерида турса ҳам жоиз (маълум бир чегара белгиланмаган). Машъарул ҳаромга кўтарилишлари ёки унга яқинроқ туришлари шарт әмас. Чунки Набий

соллаллоху алайҳи ва саллам: «Мен мана бу ерда турдим, лекин, Жамънинг ҳамма жойи мавқифдир», – деганлар.<sup>65</sup> (Имом Муслим саҳиҳида ривоят қилган)

Жамъ, яъни Муздалифадир.

Кун ёришгач, қуёш чиқишидан олдин Минога йўл олишади. Йўлларида талбияни кўпайтирадилар. Муҳассир водийсига етганларида озгина тезлашишлари мустаҳаб.

Минога етгач, Жамротул ақобада талбияни тўхтатадилар. Етишлари билан бирин кетин еттита тош отадилар. Ҳар бир тошни отаётганда қўлини кўтаради ва такбир айтади. Каабани чап томонида, Минони эса ўнг томонида қилиб Батнул водийдан отиши мустаҳаб. Чунки Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шундай қилганлар. Агар бошқа томонлардан отса ва отадиган ерига тош тушса, ўша кифоя қиласди. Отадиган жойда тош қолиши шарт эмас, аксинча, тош ўша ерга тушиши шарт қилинган. Аҳли илмларнинг сўзларининг зоҳирига қарайдиган бўлсак, тош ўша ерга тушса, сўнгра ундан чиқиб кетса ҳам кифоя қиласди. Бу нарсани очиқ айтган имомлардан имом Нававий бўлиб

---

<sup>65</sup> Имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Арофотнинг ҳамма жойи мавқиф экани ҳақида келган ҳадислар» бобида 1218-ракам билан ривоят қилган.

«Мұхаззаб» шарқида зикр қылган. Жамарот тошлари чўзма тошларидай нухоттан сал каттароқ тошлар бўлади.

Отиб битгач олиб келган қурбонлигини сўяди. Сўяётиб уни қиблага қаратади ва: «Бисмиллах, Аллоҳу акбар, Аллоҳим! Бу сендан ўзинггадир», дейди.<sup>66</sup> Туянинг чап қўлини боғлаб турган ҳолида нахр қилиш, қўй ва молларни эса, чап томони билан ётқизиб бўғизлаш суннат. Агар қибла томонга йўналтирмасдан сўйса жоиз, аммо бу иш билан суннатни тарқ қилган бўлади. Чунки сўйиш пайтида қиблага қаратиш вожиб эмас, суннатдир! Сўйган ҳайвонининг гўштидан ейиш, ҳадия қилиш ва садақа қилиш мустахабдир. Чунки Аллоҳ таоло:

﴿فَكُلُوا مِنْهَا وَأَطْعُمُوا الْبَائِسَ الْقَفِيرَ﴾

**«Бас, улардан енглар ва бечора ва фақирларга ҳам егизинглар», – деган.**

Аҳли илмларнинг сўзларининг энг тўғрироғига кўра: Ташриқ кунларининг учинчи кунидаги шом вақтигача сўйиш жоиздир. Шундай қилиб, сўйиш

---

<sup>66</sup> Сунан Тирмизий «Қурбонликлар» китоби 1521, сунан Абу Довуд «Қурбонликлар» китоби 2795, сунан Ибн Можа «Қурбонликлар» китоби 3121, муснад Ахмад ибн Ҳанбал 3/356, сунан Доримий «Қурбонликлар» китоби 1946.Ҳаж сураси 28-оят.

муддати наҳр ва ундан кейинги уч ташриқ кунлари бўлиб ҳисобланади.

Қурбонликни наҳр қилгач ёки бўғизлагач, сочини қиради ёки қисқартиради. Қириш афзалроқ. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам маносикларда соchlарини қирганларга уч марта, қисқартирганларга эса бир марта раҳмат ва мағфират сўраб дуо қилганлар. Сочни баъзи қисмларини қисқартириш кифоя қилмайди. Аксинча, қирганда тўлиқ бажаргани каби қисқартиргандა ҳам тўлиқ қисқартириш лозим. Аёл киши барча ўрим соchlаридан бир унмула қисқартиради.

Ҳожига жамратул ақобада тош отиб сочни қиргач ёки қисқартиргач аёллардан бошқа ҳамма нарса мубоҳ бўлади. Бу биринчи таҳаллул деб аталади. Бу таҳаллулдан кейин хушбўйланиш ва ифоза тавофи учун Маккага йўл олиш суннатдир. Чунки Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга эҳром боғлашларидан олдин эҳром учун, Каъбани тавоф қилишларидан олдин эса эҳромдан

чиқаётганлари учун хушбўйлик суреб қўяр эдим», – деганлар.<sup>67</sup> (Бухорий ва Муслим ривояти)

Бу тавоф Ифоза ёки зиёрат тавофи деб аталади. Бу ҳаж рукнларининг бири бўлиб, ҳаж ибодати бу амалсиз қабул бўлмайди. Аллоҳ таолонинг куйидаги сўзидан мурод қилинган тавоф ўшадир:

{ثُمَّ لِيُقْضُوا تَقْتِلُهُمْ وَلِيُوْفُوا ثُدُورَهُمْ وَلِيَطَوَّفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ}

**«Сўнгра ўзларидаги кирларни кетказсинлар, назрларига вафо қилсинлар ва «қадимги уй»ни тавоф қилсинлар», деганимизни эсла».**<sup>68</sup>

Агар нийяти таматтуъ ҳажи бўлса, тавоф амали ва мақом орқасида икки ракат ўқигандан сўнг Сафо ва Марвада саъй қиласди. Бу саъай ҳаж учун, аввалгиси эса умраси учун ҳисобланади.

Уламоларнинг тўғрироқ фикрларига кўра, бир марта саъай қилиш етмайди. Чунки Оиша разияллоҳу анҳо айтадиларки: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан чиқдик» ҳадисни қолган қисмини ҳам зикр қилиб

---

<sup>67</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Эҳром боғлашда хушбўйланиш» бобида 1539-рақам билан ривоят қилган. Имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Эҳромдаги киши эҳром боғлаётганда хушбўй ишлатиши» бобида 1189-рақам билан ривоят қилган.

<sup>68</sup> Ҳаж сураси 29-оят.

айтадилар: «Ким ўзи билан қурбонлик олиб олган бўлса, ҳаж билан умрага таҳлил айтсин. Иккаласини тамомламагунча эхромдан чиқмасин» ...<sup>69</sup> яна айтганларки: «Умрага таҳлил айтганлар Байтуллоҳ ва Сафо ва Марвани тавоф қилдилар. Сўнгра эхромдан чиқдилар. Сўнгра Минодан қайтгач яна бир марта ҳаж учун тавоф қилдилар». (Имом Бухорий ва имом Муслим ривояти)

Оиша онамизнинг умрага ният қилганлари ҳақида: «Сўнгра Минодан қайтгач ҳажлари учун яна бир марта тавоф қилдилар», – деган ҳадисларининг энг тўғри тафсири: Сафо ва Марва орасида саъй қилишдир. Тавоф сўзидан мурод Ифоза тавофи деганларнинг сўzlари тўғри эмас. Чунки, Ифоза тавофи барчанинг ҳаққида руки бўлиб, барча кишилар бажаришлари шарт. Йўқоридаги тавофдан мурод эса, таматтуъ қилганларга хосдир. Улар Минодан қайтгач Сафо ва Марва орасида ҳажни тўлиқлаш учун тавоф қиладилар. Бу нарса ҳадисда очиқ-ойдин айтилган. Бу аксар аҳли илмларнинг сўzlари. Бу сўзнинг тўғрилигига Имом

---

<sup>69</sup> Сахих Бухорий «Ҳаж» китоби 1556, сахих Муслим «Ҳаж» китоби 1211, сунан Насойи «Маносикул ҳаж» китоби 2763.Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Қирон ҳажининг тавофи» бобида 1638-рақам билан ва имом Муслим ҳам «Ҳаж» китобининг «Эхром турларининг баёни» бобида 1211-рақам билан ривоят қилган.

Бухорийнинг саҳиҳида муаллақ холда Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан қилган ривоятлари ҳам далолат қиласиди: Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ҳаж мутъаси тўғрисида сўралгандаридан, у киши бундай деб жавоб бердилар: «*Муҳожирлар, ансорлар ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари Ҳажжат ул-Вадоъда ҳажга эҳром боғлашди, биз ҳам ҳажга талбия айтдик. Маккага келганимизда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳажга боғлаган эҳромингизни умрага айлантиринг. Ким ҳадийга илги осган бўлса, бундан мустасно»* – дедилар. Байтни, Сафо ва Марвани тавоғ қилдик, аёлларга яқинлик қилдик, (одатдаги) кийимларимизни кийдик. Жаноб Расулуллоҳ: «Ким ҳадийга илик осган бўлса, ҳадий ўз жойига етмагунча унга (эҳром таъқиқлаган нарсалар) ҳалол бўлмайди», дедилар.<sup>70</sup>

*Сўнгра бизни тарвия кечаси ҳаж учун эҳром боғлашга буюрдилар. Ҳаж амалларидан фориғ бўлганимизда Байтни, Сафо ва Марвани тавоғ*

<sup>70</sup> Имом Бухорий «Ҳаж китобининг «Аллоҳ таоло: «Бу ахли оиласи Масжидул Ҳаромда яшамайдиганлар учундир!» - деган» бобида ривоят қиласи. Имом Бухорий «Ҳаж китобининг «Аллоҳ таоло: «Бу ахли оиласи Масжидул Ҳаромда яшамайдиганлар учундир!» - деган» бобида ривоят қиласи.

*құлдик ва ҳажимиз тугал бўлди.* Бу ҳадис таматтүй қилган одам икки марта саъй қилишига очиқ далил, Аллоҳ билгувчироқ.

Имом Муслим Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисга келсак, у ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари Сафо ва Марва орасида фақат бир марта тавоғ қилганликлари зикр қилинган. Бунда зикр қилинган саҳобалардан мурод: Ўзлари билан қурбонликларини эргаштириб келган саҳобалардир. Чунки улар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга умра ва ҳажларни тамомлагунларича эҳромларида қолганлар . Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса умра ва ҳажга таҳлил айтган эдилар. Ким ўзи билан қурбонлик эргаштирган бўлса, умра ва ҳажни бир қилиб таҳлил айтишга ва иккаласини тамомламагунча эҳромдан чиқмасликка буюрганлар. Ҳудди Жобир разияллоҳу анҳу ва бошқа саҳобалардан ривоят қилинган ҳадислар далолат қилгани каби ҳаж ва умрани қирон қилганлар фақат бир марта саъй қилишади.

Ифрод ҳажи, яъни, умрасиз фақат ҳажни ният қилиб Наҳр кунигача эҳромда қолганларга нисбатан ҳам бир марта саъй фарздир. Агар муфрид

ва қорин Маккага келгач саъй қилган бўлса ифоза тавоғидан кейин саъй қилиши шарт эмас. Оиша, Ибн Аббос ҳамда айтиб ўтилган Жобир разияллоҳу анҳумларнинг ҳадисларини жамлаганимизда ушбу ҳукм келиб чиқади. Шу билан ҳадислар орасидаги қарама қаршиликлар кетади ва барча ҳадисга амал қилган бўламиз.

Бу жамлашдан чиққан ҳукмларни қўллаб қувватловчи нарсалардан: Оиша ва Ибн Аббосларнинг ҳадислари саҳиҳ бўлиши ва таматтӯй қилганлар учун иккинчи саъйни тасдиқлашидир. Жобир разияллоҳу анҳунинг ҳадисининг зоҳири эса иккинчи саъйни йўққа чиқормоқда. Усул ва мусталаҳ илмида қайд қилинган қоида бўйича: «Тасдиқловчининг гапи инкор қилувчиникидан устунроқ». Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло тўғри йўлга тавфиқ бергувчи ҳамда Аллоҳдан ўзгада куч ҳам ҳолатни ўзгартиришга қудрат ҳам йўқ.

## **Боб**

### **Ҳожи наҳр куни нима қилиши афзалроқ экани ҳақида.**

Ҳожи ушбу тўрт ишни Наҳр куни тартиби билан қилгани афзал:

Биринчи Жамратул Ақабага бориб тош отиш билан бошлайди. Сўнgra жонлигини сўяди, сочини қиради ёки қисқартиради, Байтуллоҳни тавоғ қилади ва агар таматтуъ ҳажини бажарган бўлса, саъй қилади. Агар Қирон ва Ифрод ҳажига ният қилган бўлса ва биринчи тавофдан кейин саъй қилмаган бўлса, энди саъй қилади. Бу ишларни тартибини ўзгартириб бажарса ҳам бўлаверади. Ҳатто, саъйни тавофдан аввал қилса ҳам бўлаверади, чунки, у ҳам Наҳр кунида қилинадиган ишлар сарасига киради. Бу ҳам саҳобийнинг қуидаги сўзининг ичига киради: «*(Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ўша куни бирор амални кечиктирилгани ёки аввалроқ бажарилгани ҳақида сўралсалар: «Қилавер, танглик йўқ», – дер эдилар.*<sup>71</sup> Чунки тавоғ ҳам, саъй ҳам инсон

---

<sup>71</sup> Имом Бухорий «Илм» китобининг «Жонивор ва бошқа нарса устида туриб фатво бериш» бобида 83-рақам билан ва имом Муслим «Ҳаж»

билимаслиги ва унудиши мумкин бўлган ишлардан бўлиб, инсонларга енгил бўлиши учун Нахр кунидаги умумий масалалар қаторидан жой олиши керак. Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан событ бўлган ҳадисда: **У** зот тавоғ қилишидан олдин саъӣ қилган киши ҳақида сўралгандарида: «Танглик йўқ», деганлар.<sup>72</sup> (Абу Довуд Усама ибн Шарийкнинг ҳадисида саҳих санад билан ривоят қилган)

Шу ҳадис орқали шак-шубҳасиз умумга кириши баён бўлди. Аллоҳ ўзи тавфиқ берувчи.

Ҳожи уч амални бажариши билан эҳромдан тўлиқ чиқади. Улар: Жамротул ақобада тош отиш, сочни қисқартириш ёки қириш ва ифоза тавофи билан йўқорида зикр қилинган одам саъӣ қилиши. Ушбу уч ишни қилган кишига эҳром сабабли ҳаром қилинган барча иш ҳалол қилинади. Булардан иккитасини қилган кишига эса эҳроми сабабли ҳаром қилинган нарсаларнинг аёллардан ташқари

---

китобининг «Нахр қилишдан ёки тош отишдан олдин сочини қирган киши ҳақида»ги бобда 1306-рақам билан ривоят қилган.

<sup>72</sup>Имом Абу Довуд «Маносик» китобининг «Ҳажда бир нарсани бошқа нарсадан аввал қилган киши ҳақида»ги бобда 2015-рақам билан ривоят қилган.

барчаси ҳалол бўлади ва бу биринчи эҳромдан чиқиш деб аталади.

Ҳожи Замзам сувидан ичиши, иложи бўлса ичини сув билан тўлдириши ҳамда манфаатли дуолар билан қўлидан келгунча дуо қилиши мустаҳабдир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинганидек: «Замзам суви ичилган нарсаси учундир».

Имом Муслим Абу Зарр разияллоҳу анҳудан ривоят қиласидилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Замзам суви ҳақида: «Албатта у овқат хоҳлаганнинг овқати<sup>72</sup>», деганлар». Абу Довуд зиёда қилиб қўшганки: [«У касалнинг шифоси»](#).

Ифоза тавофи ва саъидан кейин ҳожилар Минога қайтадилар ва у ерда уч кун ва уч тун турадилар. Уч Жамаротнинг барчасида ҳар кун қуёш ботишга оғандан сўнг тош отадилар. Отаётганда тартибни сақлаш керак.

Масжидул Хийфдан кейинги биринчи Жамаротдан бошлиб унга етти марта кетма-кет тош ирғитади. Ҳар отганда қўлини кўтаради. Ундан

---

<sup>72</sup> Имом Муслим «Саҳобалар фазилати» китобининг «Абу Зарр фазилати» бобида 2473-рақам билан ривоят қилган.

(Жамаротдан) сал узоқлашиб уни чап томонида қилиб, қиблага қараб, икки қўлини кўтариб дуо қилиши ва дуосида ёлвориши суннатдир.

Биринчисини отгандай иккинчи жамаротга ҳам тош отади. Отгандан сўнг бир оз узоқлашиб, (жамаротнинг) ўнг томонига туриб, қиблага қараб, икки қўлини кўтариб қўп дуо қиласди. Сўнгра, учинчи жамаротни отади ва унинг олдида турмайди.

Сўнгра ташриқнинг иккинчи кунида биринчи куни каби Жамаротга тош отади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилган ҳолда биринчи ва иккинчи жамаротда биринчи кундагидай амалларни бажаради.

Ташриқ кунларининг биринчи ва иккинчи кунида тош отиш ҳаж вожиботларидан ҳисболанади. Сув таъминлаб турувчилар ва жаниврларни бошқариб турганлардан ташқари барча биринчи ва иккинчи тунлари Минода тунашлари ҳам вожиб.

Аввалги икки кунда тош отгандан сўнг Минодан кетмоқчи бўлганлар кетиши жоиз. Учинчи куни кечқурун қолиб у ерда тунаш афзалроқ ва ажри ҳам улуғроқ. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِنْ كُرُوا اللَّهُ فِي أَيَّامٍ مَغْدُودَاتٍ فَمَنْ تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأَخَّرَ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ لِمَنِ اتَّقَى

**«Аллоҳни саноқли кунларда эсланг. Бас, ким икки кундан кейин шошилиб, кетса, унга гуноҳ йўқ. Ким кечикиб қолса, унга гуноҳ йўқ».**<sup>73</sup>

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга эртароқ кетишга рухсат берганлар, лекин ўзлари ўн учинчи куни ҳам қолиб қуёш ботишга оғиб бошлаганда Жамаротга бориб тош отиб пешин ўқишдан олдин йўлга отланганлар.

Тош ота олмайдиган боланинг валийси Жамротул ақаба ва бошқа жамаротларда ўзи учун тош отгандан сўнг боласига ният қилиб отса бўлади. Тош ота олмайдиган кичик қизча ҳам шу хукмда, валийи унинг ўрнига отади. Чунки Жобир разияллоҳу анху ҳадисда айтадиларки: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳаж қилдик. Биз билан болалар ва аёллар ҳам бор эди. Болалар ўрнига талбия айтдик ва тош отдик*».

<sup>74</sup>

(Иbn Можа ривоят қилган)

---

<sup>73</sup> Бақара сураси 203-оят.

<sup>74</sup> Сунан Термизий «Ҳаж» китоби 927, сунан ибн Можа «Маносик» китоби 3038.

Касаллик, қариллик ёки ҳомиладорлик сабабли тош отишдан ожиз қолганлар ўзининг ўрнига бошқани вакил қилиши жоиз. Чунки Аллоҳ таоло:

{فَلَمَّا أَسْتَطَعْنَاهُمْ

**«Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг», деган.**<sup>75</sup>

Улар Жамаротда одамлар билан тиқилиша олмайдилар. Бунинг оқибатида эса тош отиш вақти ўтиб кетади аммо унинг қазосини ўтай олмайдилар. Шунинг учун бошқа удумларга хилоф ўлароқ бу нарсада вакил қилиши жоиз қилинди. Эҳром боғлаган киши нафл ҳаж қилаётган бўлса ҳам ўзининг ўрнига бирортани тайинлаши жоиз эмас. Чунки умра ёки ҳажга эҳром боғлаган киши уни ўзи тамомига етказиши лозим. Аллоҳ таоло айтади:

{وَأَتَمُوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ

**«Аллоҳ учун ҳаж ва умрани тугал адо этинг!».** Тавоф ва саъӣ пайти тош отиш пайтидан фарқли ўлароқ ўтиб кетмайди.

Арафада туриш ҳамда Муздалифа ва Минода тунашга келсак, унинг ҳам вақти ўтиб кетиши мумкин. Лекин ожиз одам тош отишдан хилоф ўлароқ мashaққат билан бўлса ҳам бу амалларни

---

<sup>75</sup> Тағобун сураси 16-оят. Бақара сураси 196-оят.

бажариши мумкин. Шунингдек, тош отища бошқани вакил қилиш мумкинлиги салаф солиҳлардан ворид бўлган. Бошқа (ҳаж) амалларда эса вакил қилиш ворид бўлмаган.

Ибодатлар тавқифий бўлиб, уни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Ўзгартириш фақатгина далил асосида бўлиши лозим. Уламолар сўзининг ичидаги энг саҳиҳ сўз, бироннинг ўрнига Жамаротда тош отаётган инсон учала жамаротда ҳам аввал ўзига, кейин талаб қилган инсонига атаб тош отиши мумкин. Биринчи учаласини ҳам ўзи учун отиб олиб, кейин бошидан бошқа учун отиши шарт эмас. Чунки у нарсада қийинчилик ва машаққат бор. Аллоҳ таоло айтадики:

وَمَا جَعَلَ عَلَيْكُمْ فِي الدِّينِ مُنْ حَرَجٍ

**«Ва сизга бу динда ҳеч танглиқ қилмади».**<sup>76</sup>

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Енгиллаштиргилар, оғирлаштирманглар!», – деганлар. Бундай амал саҳобалар ўз болларига ва ожизларга тош отиб бераётганларида ҳам улардан

---

<sup>76</sup> Ҳаж сураси 78-оят. Имом Бухорий «Илм» китобининг «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одамларга малол келмасин деб, муайян кунларни илм ва ваъз айтиш учун белгилаб қўйганлари» бобида 69-ракам билан ва имом Муслим «Жиход ва жангта юришлар» китобининг «Енгилликка буюриб, қочиришни тарк қилиш» бобида 1734-ракам билан ривоят қилган.

ворид бўлмаган. Агар бундай қилганларида, бизга нақл қилинган бўлар эди. Чунки умматимиз салаф солиҳинлардан бундай дақиқ амалларни нақл қилишда ҳарис бўлган. Аллоҳу аълам.

## **Боб**

### **Таматтуъ ёки Қирон ҳажига ният қилган инсон қурбонлик сўйиши вожиблиги ҳақида**

Таматтуъ ёки Қирон қилган ҳожи Ҳарам масжиди аҳлидан бўлмаса, сўйлиқ сўйиши керак.

Сўйлиқ: Кўй, туянинг ёки сигирнинг еттидан бири. Ҳалол маблағдан ва ҳалол касбдан бўлиши керак. Чунки Аллоҳ таоло Покдир ва фақатгина покни қабул қиласи.

Мусулмон киши одамлардан қурбонлик ёки бошқа нарса сўрашдан ўзини тийиши ва ифратли бўлиши керак. Агар Аллоҳ таоло мусулмон кишини ўз номидан қурбонлик қилиши учун маблағ берган ва бошқаларни қўлидаги нарсадан беҳожат қилиб қўйган бўлса, сўраётган одами подшоҳ бўлса ҳам улардан сўраши мумкин эмас.

Таматтуъ ва Қирон ҳажини бажараётган киши қурбонлик қилишдан ожиз қолса, ҳажда уч кун, уйига қайтгандан сўнг етти кун рўза тутиб бериши керак. Рўза тутиш вақти бўйича унга ихтиёр берилган. Хоҳласа Нахр кунидан олдин ёки уч кун ташриқ кунлари тутади. Аллоҳ таоло айтади:

{فَمَنْ تَمَّنَعَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجَّ فَمَنْ لَمْ يَجْدُ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ  
أَيَّامٍ فِي الْحَجَّ وَسَبْعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ تِلْكَ عَشَرَةً كَامِلَةً ذَلِكَ لِمَنْ لَمْ يَكُنْ أَهْلَهُ حَاضِرٍ  
إِلَيْهِ الْمَسْجِدُ الْحَرَامُ}

«Агар тинч бўлсангиз, ким умрадан ҳажгача хузур қилган бўлса, муюссар бўлган қурбонликни қилсин. Ким топмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганингизда-ҳаммаси ўн кун тўлиқ рўза тутсин. Бу аҳли Масжидул Ҳаромда яшамайдиганлар учун».<sup>77</sup>

Саҳиҳ Бухорийда Оиша ва Ибн Умар разияллоҳу анхумдан ривоят қилинади:

«Ташриқ кунлари қурбонлик қилишга қурби етмаганлардан бошқа ҳеч кимга рўза тутишга рўҳсат берилмаган». Бу ҳадис Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга марфуъ ҳукмини олади. Арафа куни рўза тутмаслик учун уч кунлик рўзани Арафа кунидан олдинроқ тутгани афзалроқ. Чунки у куни рўза тутмаслик дуо ва зикрда тиришишга ёрдам беради. Уч кун рўзани кетма кет ёки бўлиб-бўлиб тутса ҳам бўлади. Ундан кейинги етти кун ҳам шу ҳукмда. Чунки Аллоҳ таоло ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам кетма кетликни шарт қилмаганлар. Аллоҳ таолонинг қуидаги

---

<sup>77</sup> Бақара сураси 196-оят.

сўзига кўра, етти кун рўзани уйига қайтганда тутгани афзалроқ: «Уйингизга қайтганингизда етти кун». <sup>78</sup>

Ожиз одамнинг рўза тутиши подшоҳ ёки бошқалардан ўзи учун сўйлиқ сўрашидан афзалроқ. Сўйлиқ ёки шу каби нарсалар бошқалардан сўрамасдан унга берилса олиш жоиз. Агар бирорни номидан ҳаж қилаётган бўлса ҳам (яъни ҳаж қилишга маблағ берганлар берилган пулдан курбонлик сотиб олишни шарт қилмаган бўлса) у учун пул сўрамаслиги афзалроқ. Баъзи инсонлар хукумат ва шунга ўхшаш жойлардан ёлғондан баъзи шахсларнинг номини айтиб сўйлиқ сўраши ҳаром эканлигида ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Чунки бу ёлғон орқали ейиш бобидан. Аллоҳ таоло бизларга ва барча мусулмонларга бундан оғият берсин.

---

<sup>78</sup> Имом Бухорий «Рўза» китобининг «Ташриқ кунларидағи рўза» бобида 1998-ракам билан ривоят қилган. Бақара сураси 196-оят.

## **Боб**

# **Хожилар ва бошқалар яхшиликка буюришлари вожиблиги ҳақида**

Хожилар ва бошқаларга энг вожиб бўлган нарсалардан: Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрганлари каби яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтариш ҳамда жамоат билан беш вақт намоз ўқишга муҳофаза қилишдир.

Хозирги кунда кўпчилик Маккада яшовчилар ва шу каби инсонларнинг масжидга бормай уйларида намоз ўқишлари шариатга хилофдир. Одамларни бу нарсадан қайтариб уларни масжида намоз ўқишга буюрмоқ лозим. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дан событ бўлган ҳадисга эътибор берайлик. Ибн Умми Мактум кўзи ожизлиги ва масжидан узоқлиги учун уйида намоз ўқишга изн сўраганда: «Намозга нидони эшитасанми?» – дедилар. Шунда: «Ҳа!» деди. Шунда: «Унга жавоб бер! (яъни, унга кел)»

— дедилар.<sup>79</sup> Бошқа бир ривоятда: «Сенга рухсат топа олмайман», — деганлар.<sup>80</sup>

Яна Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бир кишини одамларга намоз ўқиб беришга буюрсам-да, кейин ундан (намоздан) қолган одамларнинг ортларидан бориб, буюрсам-ки, боғ-боғ ўтин қалаб, устларидан ўт қўйиб, уйларини ёқиб юборишса, дейман», — деганлар.<sup>81</sup>

Сунан Ибн Можа ва бошқалар яхши санад билан Ибн Аббос разияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким аzonни эшитса ва келмаса, унинг намози йўқдир, магарам узри бор кишилар бундан мустасно», — деганлар.<sup>82</sup> Саҳиҳ Муслимда Ибн Масъуд разияллоху анхудан ривоят қилинади: «*Ким эртага Аллоҳга*

---

<sup>79</sup> Имом Муслим «Масжидлар ва намоз жойлари» китобининг «Азонни эшитган киши масжидга келиши вожиб» бобида 653-рақам билан ривоят қилган.

<sup>80</sup> Имом Аҳмад «Кўфаликлар» муснадининг Амр ибн Умми Мактум ҳадисида 15064- рақам билан ва имом Абу Довуд «Жамоатни тарк қилган инсонга қаттиққўллик» бобида 552-рақам билан ривоят қилган.

<sup>81</sup> Имом Бухорий «Хусуматлар» китобининг «Маъсият ва хусумат эгаларини уйлардан чиқариш» бобида 2420-рақам билан ва имом Муслим «Масжидлар ва намоз ўринлари» китобининг «Жамоат намозининг фазли ва ундан қолиш қаттиқ олинганининг баёни» бобида 651-рақам билан ривоят қилган.

<sup>82</sup> Имом Ибн Можа «Масжидлар ва жамоатлар» китобининг «Жамоатдан ортта қолганларга қаттиққўл бўлиш» бобида 793-рақам билан ривоят қилган.

мусулмон ҳолида йўлиқишини истаса, мана бу намозларни уларга азон айтилган жойда адо қилиб борсин. Зоро, Аллоҳ таоло Набийингиз соллаллоҳу алаиҳи ва салламга ҳидоят йўлларини шариат қилиб берган. Албатта, ўша намозлар ҳидоят йўлларидандир. Агар сизлар ҳам манабу ҳонасаллот уйида намоз ўқиганидек уйингизда намоз ўқисангиз, пайғамбарингизнинг суннатини тарк қилган бўласиз. Агар Набийингизнинг суннатини тарк қилсангиз залолатга кетасиз. Қай бир киши яхшилаб таҳорат олиб, кейин масжидга отланар экан, Аллоҳ таоло унинг ҳар бир ташлаган қадамига бир ҳасанот ёзади, уни бир даражага қўтаради ва бир ёмонлигини ўчиради. Билганимиз шуки, бизнинг пайтимизда фақат нифоқи маълум мунофиқлар (жамоатдан) қолар эди. (Касал) одам икки кишининг орасида олиб келиниб, сафга турғизилар эди».<sup>83</sup>

(\*Хонасаллот – узри бўлмай туриб, жамоатга чиқмай, намозини уйида ўқийдиган одам. Кейинчалик бу сўз уйинг куйгур, бадбахт деган маънони англатадиган бўлиб кетган.)

---

<sup>83</sup>.Имом Муслим «Масжидлар ва намоз ўринлари» китобининг «Жамоат намози ҳидоят йўлларидандир» бобида 654-рақам билан ривоят қилган.

Ҳожилар ва бошқалар зино, лўттибозлиқ, ўғрилик, рибохўрлик, етимни молини ейиш, муомалада муттаҳамлик, омонатга хиёнат, ароқ ичиш, чекиш, кийимини осилтириб юриш, кибр, ҳасад, риё, ғийбат, бировларни уруштириш, мусулмонларни устидан кулиш, рўбоб, сурнай каби мусиқа асбобларини ишлатиш, мусиқа эшитиш, радио ва шу кабиларда мусиқий асбобларни эшитиш, нарда, шаҳмат, қимор ўйнаш, тирик нарсаларни чизиш, шу нарсаларга рози бўлиш ва шу каби Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан четланишлари ва уни бажаришдан эҳтиёт бўлишлари керак. Буларнинг барчаси Аллоҳ бандаларига ҳаром қилган мункар ишлардандир. Ҳожилар ва Байтуллоҳ атрофида яшовчилар бошқаларга қараганда кўпроқ бу нарсалардан эҳтиёт бўлишлари керак. Чунки бу улуғ макондаги маъсиятнинг гуноҳи қаттиқ ва оқибати ёмонроқдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло айтганки:

وَمَنْ يُرْدُ فِيهِ بِالْحَادِ بِظُلْمٍ نَّذْقَةٌ مِّنْ عَذَابِ أَلِيمٍ

**«У ерда ким зулм ила янглиш йўлга бурилишни ирода қилса, унга аламли азобни тоттирамиз».**<sup>84</sup>

---

<sup>84</sup> Ҳаж сураси 25-оят.

Агар Аллоҳ таоло у ерда зулм ила янглиш йўлга бурилишни ирода қилган кимсани азоблайман деган бўлса, шу ишни қилган кишининг оқибати қандай бўлар экан? Уларнинг азоби ёмонроқ ва қаттиқроқ эканида ҳеч шак-шубҳа йўқ. Зикр қилинган ва бошқа маъсиятлардан жуда эҳтиёт бўлиши керак.

Ҳожилар ҳаж яхшиликлари ва гуноҳлар кечирилишига Аллоҳ таоло ҳаром қилган маъсиятлардан четланмай туриб эриша олмайдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисда айтганлари каби: «Ким ҳаж қилса ва бузғунчилик ва фисқ ишларни бажармаса, онасидан янги тўғилгандай бўлиб қайтади».<sup>85</sup>

Бу мункарлардан кўра ёмонроқ ва каттароғи, ўликлардан шафоат талабида касалларига шифо, йўқолган нарсасини топиб беришлари ёки шу кабилар учун уларга дуо қилиш ҳамда улардан паноҳ сўраш, уларга назр аташ ва сўйлиқ сўйишdir.

Бу Аллоҳ таоло ҳаром қилган катта ширклардандир. Бу жоҳилияйтдаги мушрикларнинг дини. Аллоҳ таоло шу нарсадан қайтариш учун

---

<sup>85</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Мабрур ҳажнинг фазли» бобида 1521-ракам билан ва имом Муслим ҳам «Ҳаж китобининг «Ҳаж, умра ва Арафа кунининг фазли» бобида 1350-ракам билан ривоят қилган.

пайғамбарларни юборди ва китобларни нозил қилди.

Хожи ва бошқалар бу нарсадан огоҳ бўлиши ҳамда агар бу иш олдин ундан содир бўлган бўлса, тавба қилиши ва янгидан ҳаж қилиши вожиб. Чунки катта ширк Аллоҳ таоло айтгандек барча амалларни ҳабата қилиб юборади. У Зот айтадики:

وَلَوْ أَشْرَكُوا لَحِيطَ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

**«Агар улар ширк келтирсалар, қилган ишлари, албатта, бехуда кетадир».**<sup>86</sup>

Кичик ширкнинг турларидан: Набий, каъба, омонат ва шу каби Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичиш.

Шунингдек, риё, сумъа, Аллоҳ ва сен хоҳлагандай бўлибди, Аллоҳ ва сен бўлмаганингда, Аллоҳ ва сендан ва шу каби сўзларни айтиш ҳам кичик ширк.

Бу ширкий мункарлардан эҳтиёт бўлиш ва бу ишни тарқ қилишга бошқаларни ҳам ундаш керак. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлган ҳадисда У зот: «Ким Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам исса, куфр келтирибди

---

<sup>86</sup> Анъом сураси 88-оят.

ёки ширк келтирибди», деганлар.<sup>87</sup> (Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Тирмизий саҳих санад билан ривоят қилган)

Яна саҳих ҳадисда Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким қасам ичса, Аллоҳ билан қасам ичсин ёки жим турсин»**, деганлар». <sup>88</sup>

Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: **«Ким омонат билан қасам ичса, биздан эмас».**<sup>89</sup> (Имом Абу Довуд ривояти)

Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлар учун энг қўрқкан нарсам кичик ширк», деганлар, шунда у ҳақида сўралдганларида : «Риё», деб жавоб бердилар.<sup>90</sup>

---

<sup>87</sup> Имом Аҳмад «Кўп ҳадис ривоят қилган саҳоблар» муснадининг Ибн Умар муснадида 6036-рақам билан ва имом Тирмизий «Назр ва қасамлар» китобининг «Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичиш ҳаромлиги» бобида 1535-рақам билан ривоят қилган.

<sup>88</sup> Имом Бухорий «Гувоҳлар» китобининг «Қасам ичишни талаб килиш кайфияти» бобида 2679-рақам билан ва имом Муслим «Қасамлар» китобининг «Аллоҳ номидан бошқа номи билан қасам ичишдан тақиқланган» бобида 1646-рақам билан ривоят қилган.

<sup>89</sup>Имом Аҳмад «Ансорлар муснади»да Бурайда Асламий ҳадисида 22471-рақам билан ва имом Абу Довуд «Қасамлар ва назрлар» китобининг «Омонат билан қасам ичиш ҳаромлиги» бобида 3253-ракам билан ривоят қилган..

<sup>90</sup> Имом Аҳмад «Қолган Ансорлар муснади»нинг Маҳмуд ибн Лабийд ҳадисида 23119-рақам билан ривоят қилган.

(Риё – хўжакўрсин учун амал қилиш)

Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: «Аллоҳ ва фалончи хоҳлагандай бўлибди», деманглар! Аксинча: «Аллоҳ сўнгра фалончи хоҳлагандай бўлибди», – денглар.<sup>91</sup>

Имом Насойи Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қиласиди: «Бир киши: Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳ ва сиз хоҳлаган нарса бўлди», – деди. Шунда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: «Аллоҳга мени шерик қилдингми?! (Ундан демагин) Балки ёлғиз Аллоҳ хоҳлабди», – дегин».<sup>92</sup>

Бу ҳадислар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тавҳид қисмини қанчалик ҳимоя қилганлари, умматларини катта ва кичик ширқдан огоҳлантирганлари, иймонлари саломат қолиши, Аллоҳнинг азобидан ҳамда Унинг ғазабидан умматларини сақлашга қанчалик ҳарис бўлганларига далолат қиласиди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло ва Унинг бандаларига

---

<sup>91</sup> Имом Аҳмад «Қолган ансорлар муснади»нинг Ҳузайфа ибн Ямондан ривоят қилган ҳадисда 22754-рақам билан ва имом Абу Довуд «Одоб» китобининг «Бадбаҳт нафсим дейилмайди» бобида 4980-рақам билан ривоят қилган.

<sup>92</sup> Имом Аҳмад «Бану Ҳошим муснади» да Абдуллоҳ ибн Аббос муснадининг бошида: «Аллоҳга мени тенгхўр қилдингми», деган лафз билан 1842-рақам билан ривоят қилган.

насиҳатгўй бўлдилар. Аллоҳнинг У зотга қиёматгача доимо саломи ва салавоти бўлсин!

Аҳли илмлардан ташкил топган ҳожилар ва Аллоҳ таолонинг моборак шаҳрида ва Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шаҳрида яшовчи аҳли илмлар инсонларга Аллоҳ таолонинг уларга нозил қилган шариатини ўргатишлари лозим. Уларни Аллоҳ таоло ман қилган ширк ва маъсиятлардан далиллар билан очиқлаб огоҳлантиришлари ҳамда уларни зулматлардан нурга чиқаришлари лозим. Буларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг аҳли илмларнинг зиммаларига қўйган илм омонатининг ҳаққини адo этиш жумласидандир. Аллоҳ таоло айтади:

{وَإِذَا أَخَذَ اللَّهُ مِيَّاقَ الْدِينِ أُولَئِنَا الْكِتَابَ لِتُبَيَّنَ لِلنَّاسِ وَلَا تَكُونُونَةُ}

**«Аллоҳ китоб берилганлардан, албатта, уни одамларга баён қиласиз ва беркитмайсиз, деб аҳд олганини эсланг».**<sup>93</sup>

Бу сўзларимиздан мақсад, бу уммат уламоларини золим аҳли китоблар каби ҳақни беркитиб бу дунёни охиратдан устун қўйиш йўлидан огоҳлантиришдир. Аллоҳ таоло айтади:

---

<sup>93</sup> Оли Имрон сураси 187-оят.

{إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْهُدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَاهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ  
أُولَئِكَ يَلْعَثُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَثُهُمُ الْلَّاعِنُونَ} {إِلَّا الَّذِينَ تَأْبُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُوا فَأُولَئِكَ  
أَنُوبُ عَلَيْهِمْ وَأَنَا التَّوَابُ الرَّجِيمُ}

«Албатта, Биз нозил қилган равшан оятларни ва ҳидоятни одамларга китобда баён қилиб берганимиздан кейин беркитганларни-үшаларни Аллоҳ лаънатлайди. Ва лаънатловчилар лаънатлайди. Магар тавба қилиб, ахли солиҳ бўлиб, баён қилганларнинг, ана ўшаларнинг тавбасини қабул қиласман. Ва Мен тавбаларни кўплаб қабул қилувчи ва раҳмлидирман». <sup>94</sup>

Қўръони карим оятлари ва набавий ҳадислар Аллоҳ таолога даъват қилиш, инсонларни нима учун яратилганларини баёнлаб бериш Аллоҳга яқинлаштирадиган энг афзal ибодат ва энг муҳим вожиботлардан эканига далолат қилди. Бу йўл пайғамбарлар ва уларга қиёматгача эргашувчиларининг йўлидир. Аллоҳ таоло айтади:

{وَمَنْ أَحْسَنُ قَوْلًا مِمَّنْ دَعَ إِلَى اللَّهِ وَعَمِلَ صَالِحًا وَقَالَ إِنَّنِي مِنَ الْمُسْلِمِينَ}

---

<sup>94</sup> Бақара сураси 159-оят. Бақара сураси 160-оят.

**«Аллоҳга даъват қилган, солиҳ амалларни қилган ва «Албатта, мен мусулмонларданман!» деган, кишидан ҳам гўзал сўзли ким бор?!». <sup>95</sup>**

{قُلْ هَذِهِ سَبِيلٌي أَدْعُو إِلَى اللَّهِ عَلَى بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي وَسُبْحَانَ اللَّهِ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ}

**«Сиз: «Бу менинг йўлимдир. Мен Аллоҳга билиб-ишонч ила чақираман ва менга эргашганлар ҳам. Аллоҳ покдир. Ва мен мушриклардан эмасман», деб айтинг».** <sup>96</sup>

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Ким яхшиликка далолат қилса, бажарган инсон каби ажр олади». <sup>97</sup> (Имом Муслим ривояти)

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Али разияллоҳу анҳуга: «Сиз орқали бир кишини Аллоҳ хидоят қилиши қизил туялардан яхшироқдир», – деганлар. <sup>98</sup> (Муттрафақун алайҳи)

Бу маънодаги оят ва ҳадислар кўпгина.

---

<sup>95</sup> Фуссилат сураси 33-оят.

<sup>96</sup> Юсуф сураси 108-оят.

<sup>97</sup> Имом Муслим «Амирлик» китобининг «Фозига ёрдам бериш» бобида 1893-рақам билан ривоят қилган..

<sup>98</sup> Имом Бухорий «Жиҳод ва юришлар» китобининг «Бир кишини мусулмон бўлишига сабабчи бўлган кишининг фазли» бобида 3009-рақам билан ривоят қилган.

Аҳли иймон ва аҳли илмларнинг зиммаларига Аллоҳ таолонинг йўлига даъват қилишда қўплаган кучларини сарфлаш тушади. Хусусан, ҳавои нафслар, ҳалок қилувчи асослар, залолатга олиб борувчи шиорлар ғолиб келган, ҳидоятга чақиравчи даъватчилар озайиб, бузғунчилик ва худосизликка чақиравчилар кўпайган ҳозирги замонда яна ҳам кўпроқ масъулият юкланди.

## Боб

# Тоат-ибодатлар билан захираланиш мустаҳаблиги ҳақида

Ҳожилар Маккадалик пайтларида Аллоҳ таолонинг зикри, тоат-ибодатлар ва солих амалларни ўзларига лозим тутишлари керак. Байтуллоҳда эса намоз ва тавофни қўпайтиришлари лозим. Чунки Ҳарам ҳудудида қилинган яхшиликнинг савоби бир неча баробар савоби қўп ва ундаги ёмонликнинг гуноҳи эса каттароқ бўлади. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот ва саломаларни қўпайтириши керак.

Агар ҳожилар Маккадан чиқишини хоҳласалар, Байтуллоҳ билан охирги аҳдлари бўлиши учун видолашув тавофини қилишлари вожибdir. Фақат ҳайз ва нифос кўрган аёллар видолашмайдилар. Ибн Аббос разияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: «Одамларнинг охирги амаллари Байтуллоҳ (тавофи) бўлиши буюрилди. Фақатгина ҳайзли аёлга енгиллаштирилди». <sup>99</sup> (Муттрафақун алайҳи)

---

<sup>99</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Видолашув тавофи» бобида 1755-рақам билан ва имом Муслим ҳам «Ҳаж» китобининг «Видолашув тавофининг вожиблиги, аммо ҳайзли аёлдан соқит бўлиши» бобида 1328-рақам билан ривоят қилган.

Байтуллоҳ билан видолашиб масжиддан чиқиши хоҳласа, олдига қараб юриб чиқиб кетаверади. Орқаси билан каабага юзланган ҳолда чиқишилиги шарт эмас. Чунки бу нарса Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳам, саҳобалардан ҳам ривоят қилинмаган. Аксинча, бу янги чиққан бидъатлардандир. Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «[Ким бизнинг буйруғимиз бўлмаган ишни қилса, у \(қилган иши\) рад қилингандир](#)», деганлар.<sup>100</sup> Яна айтганларки: «(Динда) Янги чиққан ишларга яқинлашманглар! Ҳар бир янги чиққан иш бидъат ва ҳар бир бидъат залолат».<sup>101</sup>

Аллоҳ таолодан Унинг динида событ туришни ва унга хилоф келувчи нарсалардан саломатликни сўраймиз. Албатта У Саҳий ва Карийм Зотдир.

---

<sup>100</sup> Имом Бухорий Нажш ҳакидаги бобда муаллақ ва имом Муслим «Хукмлар» китобининг «Ботил хукмларни йўққа чиқариш ва янги чиққан ишларни рад этиш» бобида 1718-ракам билан ривоят қилган.

<sup>101</sup> Имом Аҳмад «Шомликлар» муснадининг Ирбоз ибн Сория ҳадисида 16694-ракам билан ва имом Абу Довуд «Суннат» китобининг «Суннатни лозим тутиш» бобида 4607-ракам билан ривоят қилган.

## Боб

### Зиёратнинг одоб ва аҳқомлари

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларини ҳаждан олдин ёки кейин зиёрат қилиш суннат. Чунки саҳиҳайнда Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан событ бўлганки: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг бу масжидимда ўқилган намоз бошқа масжидларда ўқилган намоздан минг марта яхшироқ. Магарам Масжидул Ҳаром бундан мустасно», – деганлар». <sup>102</sup>

Ибн Умар разияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Менинг бу масжидимда ўқилган намоз бошқа масжидларда ўқилган намозлардан минг марта афзалроқ. Магарам Масжидул Ҳаром бундан мустасно». <sup>103</sup> (Имом Муслим ривояти)

Абдуллоҳ ибн Зубайр разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг бу масжидимда ўқилган намоз

---

<sup>102</sup> Имом Бухорий «Жума» китобининг «Макка ва Мадина масжида намоз ўқиш фазли» бобида 1190-рақам билан ва имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Макка ва Мадинадаги масжидда ўқилган намознинг фазли» бобида 1394-рақам билан ривоят қилган.

<sup>103</sup> Имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Макка ва Мадинадаги масжидда намоз ўқиш фазли» бобида 1395-рақам билан ривоят қилган.

бошқа масжидларда ўқилган намозлардан минг марта яхши. Магарам Масжидул Ҳаром бундан мустасно. Масжидул Ҳаромда ўқилган намоз менинг масжидимда ўқилган намоздан юз марта афзалроқ», – деганлар». <sup>104</sup> (Имом Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ривояти)

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг бу масжидимда ўқилган намоз бошқа масжидларда ўқилган намозлардан минг марта яхши. Магарам Масжидул Ҳаром бундан мустасно. Масжидул Ҳаромда ўқилган намоз бошқа масжидларда ўқилган намоздан юз минг марта афзалроқ», – деганлар». <sup>105</sup> (Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти)

Бу маънодаги ҳадислар жуда кўп.

Зиёратчи масжидга етгач ўнг оёғи билан кириши ва шундай дейиши мустаҳаб: «Бисмиллах, васс-солаату васс-саламу ъалаа росулиллаҳ, Аъзу биллаҳил-ъазийм ва биважҳихил-карийм, ва

---

<sup>104</sup> Имом Аҳмад «Мадиналиклар муснади»нинг бошида Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом ҳадисида 15685-ракам билан ривоят қилган.

<sup>105</sup> Имом Ибн Можа «Намозга иқома айтиш ва ундаги суннат» китобининг «Масжидул Ҳаромда ўқилган намоз фазли» бобида 1406-ракам билан ривоят қилган.

султонихил-қодийм минаш-шайтонир-рожийм,  
Аллохуммафтахли абвааба роҳматик». <sup>106</sup>

Бу зикр бошқа масжидларга кираётиб ҳам айтилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларига кираётганда айтиладиган маҳсус зикр йўқ. Сўнгра икки ракат намоз ўқииди. Намозида хоҳлаган дунё ва охират яхшиликларини сўраб дуо қиласи.

Намозини Равзай шарифда ўқииши афзалроқ. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уйим ва минбарим орасида жаннат равзалиридан бир равза бор», – деганлар. <sup>107</sup>

Намоздан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда икки саҳобалари Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумолар қабрларини зиёрат қиласи. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларига қараб одоб билан овозини паслатиб туради. Сўнгра: «Ассалааму ъалайка яа Расулуллоҳи ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳ», – деб салом беради.

---

<sup>106</sup> Саҳиҳ Муслим «Мусофиirlар намози ва қаср қилиши» 713, сунан Насойи «Масжидлар» 729, сунан Абу Довуд «Намоз» 465, сунан Ибн Можа «Масжидлар ва жамоатлар» 772, муснад Аҳмад ибн Ҳанбал 5/425, сунан Доримий «Намоз» 1394.

<sup>107</sup> Имом Бухорий «Жума китобининг «Қабр ва минбар орасининг фазли» бобида 1195-ракам билан ва имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Қабр ва минбар ораси жаннат равзалиридан бир равза» бобида 1390-ракам билан ривоят қилган.

Бунинг далили имом Абу Довуд ҳасан санад билан Абу Ҳурайра разияллоху анхудан ривоят қилган ҳадиси. Унда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қайси бир киши менга салом берса, саломига алик олишим учун Аллоҳ менга рухимни қайтаради», деганлар.<sup>108</sup>

Агар зиёратчи салом айтаётганда: «Ассалаamu алайка яaa Набий-йаллох, ассалаamu алайка яaa хийротул-лоҳи мин холқиҳ. Ассалаamu алайка яaa саййидал-мурсалийн ва имаамил-муттақийн, ашҳаду аннака қод баллағтар-рисаалаҳ ва аддайтал-амаанаҳ ва насоҳтал-уммаҳ ва жааҳадта филлаҳи ҳаққо жиҳаадиҳ», деса ҳам бўлаверади. Чунки бу сифатларнинг барчаси У зотнинг сифатлариданdir. Кейин У зотга салавот айтади ва ҳақларига дуо қиласди. Чунки шариатда ўрнатилган қоидалардан: У зотга салавотва саломни бирга айтишдир. Бу ҳам бўлса Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзига амал қилган равишда:

{إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلِّوْنَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا  
شَّسْلِيمًا}

<sup>108</sup> Имом Аҳмад «Кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар» муснадида «Абу Ҳурайра разияллоху анхунинг қолган муснадида 10434-рақам билан ва имом Абу Довуд «Маносик» китобининг «Қабрларни зиёрат қилиш» бобида 2041-рақам билан ривоят қилган. Аҳзоб сураси 56-оят.

**«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари  
Пайғамбарга салавотайтурлар. Эй иймон  
келтирганлар! Сиз ҳам унга (пайғамбарга)  
салавотайтинг ва салом юборинг».**

Сўнгра Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумоларга салом айтади, уларнинг ҳақларига дуо қиласиди ва розилик тилайди.

Ибн Умар разияллоҳу анҳумо агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва икки соҳибларига салом берса: *«Assalaamu alai'ka ya'a Rasulalloon, Assalaamu alai'ka ya'a Abaa bakr, Assalaamu alai'ka ya'a abataah»*, – деган сўздан оширмас эди.

Маъноси: «Сизга салом бўлсин ё Аллоҳнинг расули, сизга салом бўлсин ё Абу Бакр, сизга салом бўлсин эй отажон». Сўнгра кетар эди.

Бу зиёрат фақатгина эркакларга хос жореъ қилинган. Аёлларга эса қабрларни зиёрат қилиш бўйича ҳеч нарса машруъ қилинмаган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлганидай: «У зот қабрларни кўп зиёрат қилувчи аёллар ва қабрларнинг устини масжид қилиб олиб устига чироқлар ёқадиганларни лаънатлаганлар». <sup>109</sup>

---

<sup>109</sup> Сунан Тирмизий «Намоз» китоби 320, сунан Насоий «Жаназалар» китоби 2043, сунан Абу Довуд «Жаназалар» 3236, сунан Ибн Можа

Мадина шаҳрига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида намоз ўқиши, дуо қилиш ва шу каби бошқа масжидларда машруъ қилинган ибодатларни қилиш учун бориш юқорида зикр қилинган далиллар бўйича жоиздир.

Зиёратчи беш вақт намозни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида ўқиши, зикр, дуо ва нафл намозларни кўп савобларга эришиш учун вақтни ғанимат билиб бажариши суннатдир.

Юқорида фазилати ҳақида зикр қилинган саҳиҳ ҳадисларга кўра Равзай шарифда нафл намозларни кўпайтириши мустаҳаб. Улардан Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларини зикр қилган эдик: «Уйим ва минбарим орасида жаннат равзаларидан бир равза бор». <sup>110</sup>

Фарз намозларга келсак, зиёратчилар ҳам бошқалар ҳам иложи борича аввалги сафларга ўтиши ва биринчи сафга муҳофаза қилиши мустаҳаб. Гарчи саф қибла томонга қўшилган

---

«Жаназа ҳакида келган ҳадислар» китоби 1575, Аҳмад ибн Ҳанбал муснади 1/337.

<sup>110</sup> Имом Бухорий «Жума китобининг «Қабр ва минбар орасининг фазли» бобида 1195-ракам билан ва имом Муслим «Ҳаж» китобининг «Қабр ва минбар ораси жаннат равзаларидан бир равза» бобида 1390-ракам билан ривоят қилган.

қисмида бўлса ҳам. Чунки саҳих ҳадисларда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан биринчи сафга ундаш событ бўлган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Агар одамлар аzonда ва биринчи сафда нима борлигини билиб, кейин унга (етишиш йўлида) қуръа ташлашдан бошқа йўл топ олмасалар, албатта, қуръа ташлаган бўлар эдилар», деган сўzlари.<sup>111</sup> (Муттафақун алайҳ)

Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: «Олдинга ўтинглар ва менга иқтидо қилинглар! Сиздан кейингилар сизга иқтидо қилишсин. Қайси бир қавм ортда қолаверса, охири Аллоҳ уларни орқага суриб қўяди».<sup>112</sup> (Имом Муслим ривояти)

Имом Абу Довуд Оиша разияяллоҳу анҳодан ҳасан санад билан ривоят қилган: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши биринчи сафдан кечикаверади, токи Аллоҳ уни дўзахда кечиктираверади», – деганлар.<sup>113</sup>

---

<sup>111</sup> Имом Бухорий «Азон» китобининг «Азон айтиш учун қуръа ташлаш» бобила 615-ракам билан ва имом Муслим «Намоз» китобининг «Сафларни текислаш ва турғазиш» бобида 437-ракам билан ривоят қилган.

<sup>112</sup> Имом Муслим «Намоз» китобининг «Сафларни текислаш ва тўғирлаш» бобида 438-ракам билан ривоят қилган.

<sup>113</sup> Имом Абу Довуд «Намоз» китобининг «Биринчи сафдан ортда қолиш макрухлиги» бобида 679-ракам билан ривоят қилган.

Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлганки: «У зот асҳобларига: «Фаришталар Раббилиарининг ҳузурида саф тортганидек саф тортмайсизларми?!» дедилар. Саҳобалар "Ё Расулуллоҳ! Фаришталар Раббилиарининг ҳузурида қандай саф тортишади?" дейишди. У зот: «(Фаришталар) Аввалги сафларни тўлдириб, сафда жиплашиб туришади», дедилар». <sup>114</sup> (Имом Муслим ривояти)

Бу маънодаги ҳадислар талайгина. Ҳадислардаги фазилат Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларининг кенгайтирилишидан олдинги ва кейинги ҳолатларни ҳам, бошқа масжидларни ҳам ўз ичига олади. Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлганки, У зот асҳобларини сафнинг ўнг қисмида туришга ундар эдилар. Бизга маълумки, ўша пайтдаги масжидларида биринчи саф ва сафнинг ўнг қисми масжиднинг ташқи қисмида жойлашган. Шундай қилиб, бизга намозни биринчи сафда ва сафнинг ўнг томонида ўқиши Равзаи шарифда ўқилган намоздан афзаллиги маълум бўлади. Бу бобда ворид бўлган ҳадисларни тааммул қилган

---

<sup>114</sup> Имом Муслим «Намоз» китобининг «Намозда сокин туришга буюрилгани ҳақида» бобда 430-рақам билан ривоят қилган.

кишига бу нарса очиқ аён бўлади. Аллоҳ ўзи тавфиқ берувчи.

Ҳеч ким ҳужрага силаниши, уни ўпиши ёки тавоф қилиши мумкин эмас! Чунки бу нарса салаф солиҳлардан ворид бўлмаган, аксинча, бу мункар, бидъатдир.

Ҳеч ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳожатини ўташи, ғамини кетказиши, касалига шифо ёки шу кабиларни сўраши мумкин эмас. Чунки буларнинг барчаси фақат Аллоҳ таолодан сўралади. Ўликлардан сўраш, Аллоҳга ширк ва бошқага сиғинишга киради. Ислом дини эса икки асос устига қурилган:

Биринчиси: «Аллоҳдан бошқага сиғиниш мумкин эмас».

Иккинчиси: «Аллоҳга фақат Ўзи ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатгандай ибодат қилиш».

«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад У Зотнинг расули», деган сўзнинг маъноси ҳам шу.

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳеч ким шафоат сўраши мумкин эмас. Чунки шафоат Аллоҳ таолоники бўлиб, Ундан бошқадан сўралмайди. Аллоҳ таоло айтадики:

## Сиз: «Барча шафоат ёлғиз Аллоҳни кидир», – деңг.<sup>115</sup>

Масалан: «Аллоҳим Набийингни менга шафоат қилдир. Аллоҳим фаришталарингни ва солиҳ бандаларингни менга шафоат қилдир. Аллоҳим мендан олдин вафот этган болаларимни менга шафоат қилдир», ва шу кабиларни айтиш жоиз. Энди ўликларга келсак, пайғамбар бўлса ҳам, пайғамбар бўлмаса ҳам улардан шафоат ҳам, бошқа нарса ҳам талаб қилиш мумкин эмас. Бу нарса шариатимизда жореъ қилинмаган. Чунки ўликнинг шариат мустасно қилган амалидан бошқа амали тўхтаган.

Саҳиҳ Муслимда Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар одам боласи вафот этса, унинг уч нарсадан бошқа барча амали тўхтайди: Садақаи жория, манфаат берадиган илм ёки орқасидан дуо қиласидан солиҳ фарзанд», – деганлар».

<sup>116</sup>

<sup>115</sup> Зумар сураси 44-оят.

<sup>116</sup> Зумар сураси 44-оят.

Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг тирикликларида ва Қиёмат куни шафоат қилишга қодир бўлганликлари учун У зотдан шафоат талаб қилиш жоиз. Ким шафоат талаб қилса, Раббилиридан шафоат сўраб бера оладилар ва бу нарса Уларга хос эмас. Аксинча, бу барчага тегишли. Мусулмон киши биродарига бориб: «Фалон фалон нарса учун Раббим олдида менга шафоатчи бўл», дейиши жоиз. Маъноси: «Мени ҳаққимга дуо қил», деганидир. Кейин сўраётган нарсаси Аллоҳ сўрашга рўйхат берган нарса бўлса, дуо қилувчи Аллоҳдан сўраб бериши ва биродарини шафоат қилиши жоиз.

Қиёмат куни эса, ҳеч ким шафоат қила олмайди, магарам Аллоҳ изн бергач шафоат қила олади. Аллоҳ таоло айтадики:

{مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ}

**«Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас».<sup>117</sup>**

Инсоннинг ўлиқ ҳолатига келсак, бу хос ҳолат бўлиб, ўлимдан олдинги ҳолатини қайта тирилган ҳолатига солиштириб бўлмайди. Майитнинг шариат истисно қилган амалидан ташқари барча амали тўхтагани ва энди у ўз амалининг гарови

---

<sup>117</sup> Бақара сураси 255-оят.

бўлгани учун ҳам бу солишириш тўғри эмас. Ўликлардан шафоат талаб қилиш эса, шариат истисно қилган амаллардан эмас. Ҳеч шубҳа йўқ-ки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан кейин барзахдаги ҳаётлари шаҳидларга қараганда комилроқ. Лекин у ҳаёт ўлимларидан олдинги ҳам, қайта тирилганларидан кейинги ҳам ҳаёт жинсидан эмас. Балки у ҳаётнинг ҳақиқатини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда айтиб ўтилдики: «Қайси бир киши менга салом берса, саломига алик олишим учун Аллоҳ менга руҳимни қайтаради». <sup>118</sup>

Бу ҳадис У зот ўлик эканликларига ва руҳлари жасадларини тарқ қилганига далолат қиласи. Лекин, салом берганда руҳлари жасадларига қайтади. Қўръон ва суннатда У зотнинг ўлик эканликларига далолат қиласидиган матнлар маълум ва барча аҳли илмлар бунга иттифоқ қилишган. Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти шаҳидларнинг барзах ҳаётини йўққа чиқармаганидай Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўлик дегани, У

---

<sup>118</sup> Имом Аҳмад «Кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар» муснадида «Абу Хурайра разияллоҳу анхунинг қолган муснадида 10434-рақам билан ва имом Абу Довуд «Маносик» китобининг «Қабрларни зиёрат қилиш» бобида 2041-рақам билан ривоят қилган.

зотнинг барзах ҳаётида яшаётганларини йўққа чиқармайди. Аллоҳ таоло айтадики:

وَلَا تَحْسِبَنَّ الَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتًا بَلْ أَحْياءٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ يُرْزَقُونَ {

**«Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни ўликлар деб ҳисобламанглар. Балки улар тирик, Раббилари ҳузурида ризқланмоқдалар».**<sup>119</sup>

Бу масалага кенгроқ киришишимиздан мақсад, бу бобда шубҳа қилувчилар, Аллоҳни қўйиб ўликларга ибодат қилишга ва ширкка чақирганлар кўп бўлгани ҳамда ҳожат тақазо қилганидир. Аллоҳ таоло бизни ва мусулмонларни шариатга хилоф келадиган барча нарсадан саломат қилишини сўраймиз. Аллоҳу аъلام.

Баъзи зиёратчиларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари олдида овозларини кўтаришлари ва унинг олдида узоқ туришлари шариатга хилофдир. Чунки Аллоҳ таоло умматни овозини Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг овозларидан баланд қилишидан, бир бирига дағал сўз айтгандек У зотга ҳам айтишдан қайтарган ва овозларини пасайтиришга ун DAGАН. Аллоҳ таоло айтади:

---

<sup>119</sup> Оли Имрон сураси 169-оят.

{يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَرْفُعوا أَصْوَاتَكُمْ فَوْقَ صَوْتِ النَّبِيِّ وَلَا تَجْهَرُوا إِلَهٌ بِالْقُوَّلِ  
كَجَهْرٍ بَعْضُكُمْ لِيَعْضُعْ إِنْ تَحْبَطْ أَعْمَالَكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ} {إِنَّ الَّذِينَ يَعْصُوْنَ  
أَصْوَاتَهُمْ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ أُولَئِكَ الَّذِينَ آمَنُوا هُنَّا لِلْتَّقْوَىٰ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ  
عَظِيمٌ}

**«Эй иймон келтирганлар! Овозингизни Пайғамбар овозидан юқори кўтарманг ва унга бир-бирингиз ила сўзлашгандек дағал сўз айтманг, ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин. Албатта, Расулуллоҳнинг хузурида овозларини пастлатганлар, ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақвога имтиҳон қилган зотлардир. Уларга мағфират ва улкан ажр бор».**<sup>120</sup>

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари олдида кўп туриш ва қайта-қайта салом айтиш тиқилинч, шовқин-сўрон ва қабрлари олдида овоз кўтарилишига сабаб бўлади. Бу эса, муҳкам оятларда келган Аллоҳ таолонинг мусулмонларга тузиб берган шариатига хилофдир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тириклик чоғларида ҳам, ўлик чоғларида ҳам ҳурмат қилинишлари керак. Мўмин киши У зотнинг

---

<sup>120</sup> Хужурот сураси 2-3 ояллар.

қабрлари олдида шаръий одобга хилоф иш қилиши мумкин эмас.

Баъзи зиёратчилар ва бошқалар қабрга қараб, икки қўлини кўтариб, Уларнинг қабри олдида дуо қилишлари саҳобалар ва уларга яхшилик билан эргашган салафлар йўлига хилоф ишдир. Аксинча, бу ишлар янги чиққан бидъатлардандир. Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлар менинг суннатим ва ортимда қолган тўғри йўлдаги, ҳаққа ҳидоят қилинган халифаларимнинг (яъни саҳобаларнинг) суннатини маҳкам тутишингиз вожиб. Уни (суннатни) озиқ тишларингиз билан (маҳкам) тишлаб олинглар. Ишларнинг янгиларидан (янги чиққанларидан) сақланинглар. Чунки ҳар бир (диндаги) янгилик бидъатдир. Ҳар бир бидъат залолатдир», – деганлар.<sup>121</sup> (Имом Абу Довуд ва Насойи ҳасан санад билан ривоят қилган)

Бошқа ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар-ки: «Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган янги нарсани чиқарса у

---

<sup>121</sup> Имом Аҳмад «Шомликлар муснади»да Ирбод ибн Сария ҳадисида 16694-ракам билан ривоят қилган. Абу Довуд «Суннат» китобининг «Суннатни лозим тутиш» бобида 4607-ракам билан ривоят қилган. Саҳиҳ Бухорий «Сулҳ» китобида 2697, саҳиҳ Муслим «Хўқмлар» китобида 1718, сунан Абу Довуд «Суннат» китобида 4606, сунан Ибн Можа муқаддимада 14, Муснад Аҳмад ибн Ҳанбал 6/256 рақам остида ривоят қилганлар.

(иши) рад қилингандир». <sup>122</sup> (Имом Бухорий ва Муслим ривояти) Имом Муслим якка ўзи ривоят қилган лафзда: «Ким бизнинг буйругимиз бўлмаган ишни қилса, у (қилган иши) рад қилингандир», тарзида келган.

Али ибн Ҳусайн зайнул Обидин разияллоҳу анҳумо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабри олдида дуо қилаётган кишини қўрганларида уни бу ишдан қайтардилар ва айтдиларки: *«Мен отамдан, отам бобомдан, бобом эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисни айтиб берайми?! У зот: Қабримни байрамга, уйларингизни эса қабрга айлантириб олманглар! Менга салавотайтинглар, албатта саломинглар қаерда бўлсанглар ҳам менга етиб келади», – деганлар».*<sup>123</sup> (Ҳофиз Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Мақдисий «Танланган ҳадислар» китобида ривоят қилган)

Яна баъзи зиёратчилар қиладигандай У зотга салом бераётганда намоздагидай қилиб ўнг қўлини

---

<sup>122</sup> Имом Бухорий «Нажш» бобида муаллақ ҳолда ва имом Муслим эса «Хукмлар» китобининг «Ботил хукмларни бузиш ва янги чиққан ишларни рад этиш» бобида 1718-ракам билан ривоят қилган.

<sup>123</sup> Имом Аҳмад «Кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар» муснадининг Абу Хурайра разияллоҳу анхунинг қолган муснадида 8586-ракам билан ривоят қилган.

чап қўли устига қўйиб кўкраги устига ёки остига икки қўлинини қўйиши жоиз бўлмаган кўринишлардан. У зот соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам, бошқа подшоҳ ва амирларга ҳам бундай кўринишда салом бериш мумкин эмас. Чунки имом Ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳ Фатхул Борий китобида уламолардан нақл қилганлари дай бу кўриниш, ўзини хўр олиб хузуъ қилиш ва ибодат кўринишидир. Шунинг учун Аллоҳдан бошқанинг хузирида бундай туриш ярамайди. Мақсади салаф солиҳларга эргашиш ва бу мақом ҳақида тафаккур қилган киши учун бу мавзу очиқ ойдиндир.

Энди кимни таассуб, хавои нафс, кўр-кўрониа эргашиш эгаллаб унга ғолиб келган ва салаф солиҳлар йўлига чақираётганлар ҳақида ёмон фикрда бўлса, унинг иши Аллоҳгадир. Аллоҳдан бизга ва унга ҳар доим ҳақни устун қўйишимиз учун ҳидоят ва тавфиқ беришини сўраймиз. Албатта, У Зот сўралганларнинг энг яхшиси дидир.

Худди шундай, узоқдан туриб қабри шарифларига юз буриб, лабини қимиirlатиб салом бериши ёки дуо қилиши, зикр қилинган диндаги янги ишлардан дидир. Мусулмон киши Аллоҳ таоло изн бермаган нарсани динида янги чиқариши мумкин эмас. Унинг бу амали динга ёндош бўлиш

эмас, аксинча, динга қўпол муомалада бўлишдир. Имом Молик роҳимаҳуллоҳ бу ва бу каби амалларни инкор қилиб айтадиларки: *«Бу умматнинг охирини фақатгина аввалини ислоҳ қилган нарса ислоҳ қила олади»*.

Бу умматнинг аввали Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам, хулофои рошидин, саҳобаи киромлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар йўлида юриш ислоҳ қилгани бизга маълум. Шунинг учун бу умматнинг охирни фақат ўшалар тутган йўлни тутса ва ўша йўлда юрса ислоҳ бўлади.

Аллоҳ таоло мусулмонларни дунё ва охиратда нажоти, саодати ва иззати бўлган нарсага йўлласин ва тавфиқ берсин. Албатта У Зот Саҳий, Каримдир.

## Танбەх

Баъзилар ўйлагандай, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларини зиёрат қилиш вожиб әмас. Аксинча, бу амал Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларини зиёрат қилган ёки унга яқин бўлган инсонга нисбатан мустаҳабдир.

Кимки Мадинадан узоқда бўлса, қабрни зиёрат қилиш учун бориши мумкин әмас! Лекин масжиди шарифни зиёрат қилиш учун бориш суннат. Агар масjidга борса, У зотнинг қабри шарифларини ва икки соҳибларининг қабрини зиёрат қиласди. Шунда қабри шарифлари ва икки асҳобларининг зиёрати масжиди шариф сабабли машруъ қилинган бўлади. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳиҳайнда собит бўлган ҳадисга кўра, шундай деганлар: «Учта масжиддан бошқасига кўч боғланмайди: Менинг масжидим, Масжидул Ҳаром ва Масжидул Асқсо». <sup>124</sup>

Агар кўч боғлаш У зотнинг ёки бошқанинг қабрига машруъ бўлганда умматни бунга далолат қилиб йўллаб қўяр эдилар. Чунки У зот инсонларнинг энг насиҳатгўйи, Аллоҳ таолони энг

---

<sup>124</sup> Имом Бухорий «Ҳаж» китобининг «Аёллар Ҳажи» бобида 1864-рақам билан ва имом Муслим ҳам «Ҳаж» китобининг «Учта масжиддан бошқасига кўч боғланмайди» бобида 1397-рақам билан ривоят қилган.

яхши таниган ва У Зотдан энг қўрқадиганидирлар. Дарҳақиқат, (динни) очик ойдин етказдилар. Умматларини барча яхшиликка йўлладилар ва барча ёмонлиқдан огоҳлантирилар. Уч масжиддан бошқасига кўч боғлашдан қайтаргандан кейин ҳам қандай қилиб бошқасига кўч боғлаймиз. Яна У зот айтганлар: «Қабримни ийдгоҳ қилиб олманглар! Уйингларни қабр қилиб олманглар! Менга салавотайтинглар, албатта саловатинглар қаерда бўлсанглар ҳам менга етиб келади». <sup>125</sup>

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрларини зиёрат қилиш учун бориш жоиз деган эътиқоддаги кишиларнинг сўзлари У кишининг қабрларини ийдгоҳ қилиб олишга олиб борувчи йўлдир. Бу эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг қўрқган нарсалари ғулув ва мақтоворда ҳаддан ошишга олиб боради. Воқеъликда бу ҳолатга тушган кўпчиликни учратишимиз мумкин.

Қолаверса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрларига кўч боғлаш жоизлиги ҳақида ривоят қилинган ҳадисларнинг

---

<sup>125</sup> Имом Аҳмад «Кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар» муснадининг Абу Хурайра разияллоҳу анхунинг қолган муснадида 8586-ракам билан ривоят қилган.

барчасининг санади заиф ва тўқимадир. Имом Дороқутний, Байҳақий, Ибн Ҳажар ва бошқа ҳофиз уламолар бу ҳадисларнинг заифлигини эслатиб ўтганлар. Бундай заиф ҳадислар учта масжиддан бошқа масжидга кўч боғлаш жоиз эмаслигига далолат қилувчи сахиҳ ҳадисларга қарши чиқа олмайди.

Ҳурматли китобхон, билиб олишингиз ва адашиб қолмаслигингиз учун ўша тўқима ҳадисларнинг баъзисини сизга тақдим қиласмиш:

1. «Ким ҳаж қилса ва мени зиёрат қилмаса, дарҳақиқат менга жафо қилибди».
2. «Ким мени ўлганимдан кейин зиёрат қилса, тириклигимда зиёрат қилгандай бўлади».
3. «Ким мени ва отам Иброҳимни бир йилда зиёрат қилса, Аллоҳ унга жаннат беришига кафилман».
4. «Ким қабримни зиёрат қилса, унга шафоатим вожиб бўлади».

Бу ва шу каби ҳадисларнинг ҳеч қайсиси Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан событ бўлмаган.

Имом Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ «Талхис» китобида кўпгина заиф ҳадисларни ривоят қилгач: *«Бу ҳадисларнинг барча санадлари заиф», – деганлар.*

Ҳоғиз Ўқойлий: *«Бу бобдаги ҳеч нарса саҳиҳ эмас», – деган.*

Шейхул Ислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ бу ҳадисларнинг барчаси тўқима эканлигига жазм қилган. Илмий, ҳифзий ва баҳсий томонлама шунинг ўзи кифоя.

Агар бу ҳақидаги ривоятларнинг бирортаси событ бўлганда эди, саҳобалар унга амал қилишга биздан ўзиб кетган ва бу нарсани умматга баёнлаб даъват қилган бўлар эдилар. Чунки улар анбиёлардан кейинги энг яхши инсонлар, Аллоҳ таолонинг ҳудудлари ва шариатини энг яхши билувчилар ҳамда Аллоҳ таоло ва Унинг бандаларига энг насиҳатгўй инсонлардир. Улардан бунга оид бирор нарса событ бўлмаганлиги машруъ эмаслигига далолат қиласи.

Агар булардан бирортаси событ бўлганда, зикр қилинган ҳадисларни жамлаш учун кўч боғлаш эмас шаръий зиёрат бобидан деб санаган бўлар эдик. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло билувчироқ.

## Боб

# Қубо масжиди ва Бақиъ қабристонининг зиёрати мустаҳаблиги ҳақида

Саҳиҳайндаги Ибн Умар разияллоҳу анхумонинг ҳадисларига кўра Қубо масжидини зиёрат қилиб, у ерда намоз ўқиш мустаҳаб. Ибн Умар разияллоҳу анхумо айтадилар: «*Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қубо масжидини уловда ҳам, пиёда ҳам зиёрат қилиб, у ерда икки ракат намоз ўқир эдилар.*»<sup>126</sup> Саҳл ибн Ҳунайф разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким таҳорат олиб сўнгра Қубо масжидига келса ва унда икки ракат намоз ўқиса, Умра ажричалик савоб олади», – деганлар». <sup>127</sup>

Бақиъ қабрларини, шаҳидлар ва Хамза разияллоҳу анхуларнинг қабрини зиёрат қилиш суннат. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни зиёрат қилиб, уларнинг ҳақларига дуо қиласар эдилар. Ҳамда Набий соллаллоҳу алайҳи ва

---

<sup>126</sup> Имом Бухорий «Жума» китобининг «Қубо масжидига уловга миниб ва пиёда келиш» бобида 1194-ракам билан ва имом Муслим «Хаж китобининг «Қубо масжидининг фазли» бобида 1399-ракам билан ривоят қилган.

<sup>127</sup> Имом Ибн Можа «Намозни қоим қилиш ва ундаги суннат» китобининг «Қубо масжиди ҳакида келган ҳадислар» бобида 141-ракам билан ривоят қилган.

саллам: «Қабрларни зиёрат қилинглар, албатта у сизга охиратни эслатади», – деганлар.<sup>128</sup> (Имом Муслим ривояти)

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам асҳобларини қабрларни зиёрат қилсалар шундай дейишга ўргатар әдилар: «Мўмин ва мусулмонлардан иборат бўлган эй диёр (қабристон) аҳли, сизларга салом бўлсин! Биз Аллоҳ хоҳласа, (бир куни) сизларнинг ёнингизга келамиз. (Биздан аввал ўтганларни ҳам, кейин ўтганларни ҳам Аллоҳ раҳмат қилсин). Аллоҳдан ўзимизга ҳам, сизларга ҳам оғият тилайман».<sup>129</sup> (Имом Муслим Сулаймон ибн Бурайданинг отасидан қилган ривоятда зикр қилган)

Имом Тирмизий Ибн Аббос разияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда у киши шундай деганлар: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Мадина қабрларининг олдидан ўтаётиб уларга қарадилар ва шундай дедилар: «Эй қабр эгалари! Сизларга салом бўлсин! Аллоҳ сизу бизни мағфират

---

<sup>128</sup> Имом Муслим «Жаназа» китобининг «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Раббилиридан оналарининг қабрини зиёрат қилишга изн сўраганлари» бобида 976-ракам билан ва имом Ибн Можа ҳам «Жаназа» китобининг «Қабрларни зиёрат қилиш ҳақидаги ҳадислар» бобида 1569-ракам билан ривоят қилган.

<sup>129</sup> Имом Муслим «Жаназалар» китобининг «Қабрларга киришда нима дейилади ва унинг аҳлига қандай дуо қилинади» бобида 975-ракам билан ривоят қилган.

айласин! Сизлар биздан олдингилар ва биз эса, изинглардамиз». <sup>130</sup>

Бу ҳадислардан бизга маълум бўлади-ки, қабрларга шаръий зиёратдан мақсад: Охиратни эслаш, ўликларга эҳсон қилиш, уларнинг ҳаққига дуо қилиш ва раҳмат тилашдир.

Қабрлар олдида дуо қилиш, эътикофга ўтириш, ҳожатларининг ўталиши, касаллариға шифо, улар (ўликлар) орқали Аллоҳдан сўраш ёки уларнинг мартабаларини ўртага қўйиб сўраш каби нарсаларнинг ҳеч бирини Аллоҳ таоло ҳам, пайғамбари ҳам машруъ қилмаган ва салаф солиҳлар ҳам бундай қилмаганлар. Аксинча, бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайтарган ботил сўзлардандир. У зот айтадилар: «Қабрларни зиёрат қилинглар ва ботил сўзларни сўзламанглар». <sup>131</sup>

Бу зикр қилинган амалларнинг барчаси бидъат, аммо даражалари ҳар хил. Қабрлар олдида Аллоҳга дуо қилиш, ўликни ҳаққини ёки мартабасини ўртага қўйиш каби баъзи ишлар бидъат, лекин

---

<sup>130</sup> Имом Тирмизий «Жанозалар» китобининг «Киши қабристонга кирганда нима дейиши ҳақида»ги бобда 1053-ракам билан ривоят қилган.

<sup>131</sup> Имом Аҳмад «Кўп ҳадис ривоят қилган сахобалар» муснадида Абу Саид Худрий разияллоҳу анхунинг муснадида 11212-ракам билан ва имом Молик Муваттода «Курбонликлар» китобининг «Курбонлик гўштларини сақлаб қўйиш» бобида 1048-ракам билан ривоят қилган.

ширк эмас. Ўликлардан дуо қилиб сўраш, улардан ёрдам сўраш каби баъзи ишлар эса катта ширк туридандир.

Бу нарсаларни йўқорида батафсил зикр қилиб ўтдик. Эътибор беринг ва эҳтиёт бўлинг. Раббингиздан ҳаққа ҳидоят ва тавфиқ сўранг! Ундан ўзга ҳидоятловчи илоҳ ва Ўзга Рабб йўқ.

Имло қилмоқчи бўлган охирги сўзимиз шу. Аввалги ҳамд ҳам, кейинги ҳамд ҳам Аллоҳ таологадир. Аллоҳнинг бандаси, расули, махлукотларининг энг яхвисига ҳамда У зотнинг оиласари, саҳобалари ва Қиёматгача яхшилик билан уларга эргашганларга Аллоҳнинг саловати ва саломи бўлсин.

## Мундарижа

Муқаддима .....	3
Китоб хутбаси.....	6
Ҳаж ва умранинг вожиблиги ҳамда уни адо этишга шошилиш ҳақидаги далиллар .....	9
Маъсият ва зулмдан тавба қилиш вожиблиги ҳақида .....	14
Ҳожи мийқотга етгач нима қилиши ҳақида .....	21
(Мийқот) Эҳром боғлайдиган жой ва унинг худудлари. ....	28
Ҳаж ойларидан бошқа ойда мийқотга етиб борган кишининг ҳукми ҳақида .....	35
Ёш боланинг ҳаж қилиши ҳукми ҳақида. Агар жоиз бўлса, Исломдаги ҳажининг ўрнини босадими?....	39
Эҳромдаги кишига таъқиқланган ва рухсат берилган ишлар ҳақида.....	43
Ҳожи Маккага кираётиб нима қилиши, Ҳарам масжидига киргач тавоф ва шунга ўхшаш амалларни қандай бажариши ҳақида.....	52
Зулҳижжанинг саккизинчи куни ҳажга эҳром боғлаш ва Минога чиқиш ҳақида.....	63

Ҳожи нахр куни нима қилиши афзалроқ экани ҳақида.....	89
Таматтуъ ёки Қирон ҳажига ният қилган инсон қурбонлик сўйиши вожиблиги ҳақида.....	97
Ҳожилар ва бошқалар яхшиликка буюришлари вожиблиги ҳақида.....	100
Тоат-ибодатлар билан захираланиш мустаҳаблиги ҳақида.....	112
Зиёратнинг одоб ва аҳкомлари.....	114
Танбеҳ.....	132
Қубо масжиди ва Бақиъ қабристонининг зиёрати мустаҳаблиги ҳақида.....	137



رَسَالَةُ اللَّهِ الْأَكْبَرِ

# Ҳарамайн рисоласи

Масжидул Ҳаром ва Масжидун Набавий зиёратчилари  
учун турли тиллардаги йўриқномалар



978-603-8517-02-4